Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 48 (8.783) ◆ 1996 йил ◆ 24 апрель, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕК-ФРАНЦУЗ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ПАРИЖ, 22 апрель (Фахриддин Низом ва Аброр Ғуломов хабар қиладилар). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча, 21 апрель куни Франция Республикасига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов бугун Елисей саройида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак жаноби олийлари билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбек-француз алоқалари узоқ тарихга эга экани алоҳида таъкидланди. XV асрнинг бошларида буюк соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмалар бунинг ёрқин далилидир. Франция Президенти Ўзбекистон Президентига Амир Темурнинг 1402 йили Карл VIга йўллаган мактуби нусхасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида бугун Франция Республикасининг Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галланни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув тугагач, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Франция Республикаси Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири И. Галлан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция Республикаси ҳукумати ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Франция Республикаси ҳукумати ўртасидаги молиявий протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикаси Миллий Кенгашига ташриф буюрди. Ўзбекистон — Франция Парламент гуруҳи вакиллари иштирокида бўлиб ўтган зиёфат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Президент И. Каримов Франция Миллий Кенгаши раиси Ф. Сеген билан ҳам учрашиб, суҳбатлашди.

* * *

Париж, 23 апрель (Фахриддин Низом ва Аброр Ғуломов хабар қиладилар). «Креди коммерсиаль де Франс» банки 22 апрель куни кечқурун Жакэмар Андре номидаги қаср-музейда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига зиёфат берди. Ислом Каримов зиёфатда ҳозир бўлган Франциянинг етакчи банклари ва компаниялари раҳбарларига Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб берди. Президентнинг фикрича, ўзбек-француз алоқалари жадал ривожланиб бораётган бўлса-да, иккала мамлакатнинг имкониятлари даражасида эмас. Ҳолбуки, Ўзбекистон ва Франция иқтисодиётининг бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган жиҳатлари ниҳоятда кўп.

Шу куни ЮНЕСКО қароргоҳида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзусида халқаро илмий конференция иш бошлади.

Ўзбекистонлик санъат усталари Парижнинг «Одеон» театрида катта концерт дастурини намойиш этишди.

***

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда «Фигаро» газетаси ва «Пари матч» журнали мухбирларини қабул қилди. Президент мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, уларга Ўзбекистондаги бугунги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳвол, унинг Марказий Осиё минтақасида тутган жуғрофий-сиёсий ўрни, МДҲ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа давлатлари билан ўрнатаётган алоқалари, ривожланиб бораётган ўзбек-француз муносабатлари тўғрисида сўзлаб берди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Франция ҳукумати аъзоси, француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар бўйича давлат котиби Маржи Сюдер хонимни қабул қилди. Қабул ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Шу куни Париж шаҳри савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига зиёфат берди. Зиёфат чоғида Ислом Каримов француз ишбилармон доиралари вакиллари ҳузурида нутқ сўзлаб, хорижий сармоядорлар учун Ўзбекистонда яратилаётган ҳуқуқий асослар ва имтиёзлар хусусида гапириб берди.

Президентнинг Францияга сафари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ХАВФСИЗЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР» СИМПОЗИУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚУТЛОВ

Симпозиумнинг ҳурматли иштирокчилари ва меҳмонлари, Сизларни қадимий Ўзбекистон тупроғида самимий муборакбод этаман ҳамда Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий можаролар» симпозиумининг ўтказилиши муносабати билан чуқур мамнуниятимни изҳор қиламан. ЕХҲТ ҳомийлигида ўтаётган мазкур анжуманда кўплаб мамлакатлар вакилларининг учрашуви Европанинг бу нуфузли ташкилоти ўзининг амалий қадамлари билан Хельсинки битимлари ғояларини ҳаётга татбиқ этаётганини, Марказий Осиё минтақаси муаммолари ҳамда уларни ечиш йўлларини диққат марказида тутиб турганини яна бир карра тасдиқлайди.

Биз бу симпозиумга Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш-семинарнинг мантиқий давоми ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг минтақавий ва оламшумул даражаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида очиқ ва самарали мулоқотга тайёрлиги, деб қараймиз.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг қитъада вужудга келган янги жуғрофийсиёсий шароитда минтақанинг муаммо ва эҳтиёжларига эътибор беришга интилиши давлатларнинг бу ташкилотга ҳурматини янада оширади.

Бундай симпозиумлар минтақавий муаммоларни ҳал қилиш йўллари хусусида кенг фикр алмашиш имконини беради.

Ўзбекистон ЕХҲТ билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда ҳамда бу самарали мулоқотни янада чуқурлаштиришга тайёр.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент симпозиуми барча иштирокчилари ва меҳмонларига анжуманда самарали ва муваффақиятли ишлашларини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БАРҚАРОРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

23 апрель куни Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) «Марказий Осиё: ЕХҲТ доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақа талаблари» мавзуидаги симпозиуми бўлиб ўтди.



Унда ЕХҲТга аъзо 30га яқин давлат вакиллари, жумладан, Марказий Осиё республикалари делегациялари, ЕХҲТ институтлари, халқаро ташкилотлар ва давлатга қарашли бўлмаган мужассалар раҳбарлари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон 1992 йили ЕХҲТга аъзо бўлганидан буён бутун дунёда тан олинган халқаро ҳуқуқ мезонлари, хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирларда белгиланган мажбуриятларга содиқлигини жаҳон ҳамжамиятига намойиш этмоқда. Минтақада барқарорликни сақлаш ишига ҳисса қўшиш учун фаол ҳаракат қилмоқда. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийнинг қўллаб-қувватлаши остида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинарининг ўтказилиши бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур тадбир ЕХҲТ фаолиятининг асосий йўналишларини кенг қамраб олган эди. Бугунги симпозиум эса Тошкент кенгаш-семинарида кўтарилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш борасида Марказий Осиё республикалари ўртасидаги ҳамкорлик самарасини ошириш, бунинг учун эса ЕХҲТ доирасида мунтазам мулоқотга киришиш масалаларини ўз ичига олди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов очди. Бош вазир Президент Ислом Каримовнинг симпозиум қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Анжуман қатнашчилари ЕХҲТ бош котиби Вильгельм Хойкнинг кенг қамровли ҳамкорлик, инсон мезонлари, можаролларнинг олдини олиш ва бозор иқтисодиёти механизмларини барпо этишдаги ЕХҲТнинг ўрни ҳақидаги маърузаси билан танишдилар. Бундан ташқари «Марказий Осиё ва ЕХҲТ минтақасида барқарорлик», «Хавфсизлик масаласига трансминтақавий ёндашишлар», «Демократия ва эркин бозор — хавфсизлик ҳамда барқарорлик омили» каби бир қанча мавзуларда маърузалар тингладилар.

ЕХҲТнинг йигирма биринчи аср хавфсизлик модели масаласи симпозиумдаги мунозараларнинг бош мавзуси бўлди. Шунингдек, Марказий Осиёдаги хавфсизлик муаммолари, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашда давлатлараро мулоқотларнинг аҳамияти, Тожикистондаги аҳволга доир масалалар кенг муҳокама қилинди.

ЕХҲТнинг минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланган туркум тадбирларининг дастлабкиси ҳисобланган ушбу Тошкент симпозиуми шу куни ўз ишини тугатди. Унинг мантиқий давоми бўлмиш «Ишончни мустаҳкамлаш масалалари бўйича семинар» 24 апрель куни Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбеда бошланади.

(ЎзА).

БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Президент Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва тинч ислоҳотлар йўлидир» номли китоби қорақалпоқ тилида босмадан чиқди.

❑ Бухорода Американинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги — ЮСАИД ташаббуси ва иштирокида сув сифатини бошқариш юзасидан халқаро кенгаш иш бошлади. Унда Марказий Осиё республикалари ва АҚШ мутахассислари иштирок этмоқдалар.

❑ Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси Тошлоқдаги нотўқима материаллар фабрикасини таъмирлашни тўлалигича ўз зиммасига олди. Шу йил сентябрда ишга тушириладиган бу корхонада 25 миллион АҚШ доллари миқдорида асосан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

❑ Кеча Тошкентдаги «Наврўз» мажмуасида Исроил мустақиллик кунига бағишланган қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари Виктор Чжен иштирок этди.

❑ Тошкентдаги «Туркистон» саройида «ЎзБАТ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасининг янги маҳсулоти — «Хон» фильтрли сигаретлар тақдимномаси ўтказилди. Шу йилнинг ўзида бу қўшма корхонада ана шундай сигаретлардан 700 миллион қути ишлаб чиқарилади. Самарқанддаги янги тамаки фабрикаси ишга тушиши билан эса ишлаб чиқариш ҳажми йилига 30 миллиард қутига етади.

❑ Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг навбатдан ташқари пленумида Ёшлар Иттифоқининг навбатдан ташқари қурултойини 26 апрель куни чақиришга қарор қилинди.

❑ Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да кеча Осиё тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари биринчи халқаро кўргазмаси тантанали вазиятда очилди. Унда 14 мамлакатнинг 80 та фирмаси иштирок этмоқда.

❑ Фарғонада теннис бўйича халқаро «Челленжер» мусобақаси бошланди. 27 апрелгача давом этадиган бу беллашувларда 26 мамлакатдан 61 нафар теннисчи иштирок этмоқда.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Дудаевчиларнинг Россия федерал маъмурлари билан музокараларидаги делегацияси раҳбари Хўжа Аҳмад Яриханов Грознийдан 30 километр узоқликдаги Гехи-Чу қишлоғига ракета зарбаси берилиши пайтида ўша ерда бўлган Жохар Дудаев ҳалок бўлганлигини маълум қилди.

❑ Ҳозир Қирғизистоннинг Бельгиядаги элчиси бўлиб ишлаётган машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ўз мамлакати ташқи ишлар вазирлигига ҳеч қачон номзодини БМТ бош котиблигига қўйиш ниятида бўлмаганлиги тўғрисида расмий мурожаат қилди. У Қирғизистон парламенти ана шу масалани муҳокама қилиш ниятида бўлганлиги сабабли шундай баёнот билан чиқди.

❑ Туркманистоннинг энг яхши гиламдўзлари катталиги 260 квадрат метр бўладиган, «Сапармурод Ниёзов» деб номланадиган гилам тўқишга киришдилар.

ХОРИЖДА

❑ Бугун Россия Президенти Борис Ельциннинг Хитойга уч кунлик расмий ташрифи бошланди. Унинг давомида икки мамлакат ўртасида 15 та муҳим ҳужжат имзоланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари Шанхайда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари умумий чегарада ишонч чоралари тўғрисидаги шартномани ҳам имзолайдилар.

❑ Италиядаги муддатидан илгари парламент сайловлари натижасида сўл марказ блоки вакиллари ҳокимият тепасига келди. Парламентнинг иккала палатасида ҳам кўпчилик ўринни олган «ИРИ» йирик молия-саноат гуруҳининг собиқ раҳбари, иқтисодчи Романо Проди етакчилигидаги бу блок ҳукумат тузиш ҳуқуқига эга бўлди.

❑ Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Европа Иттифоқининг Англиянинг қорамол гўштини харид қилишни ман этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишни талаб этди. Акс ҳолда у бошқа чоралар кўрилиши тўғрисида қитъа ҳамжамиятини огоҳлантирди.

• БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ •

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАБРИГИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ АРТУР ГРИГОРЯНГА

ҚАДРЛИ АРТУР!

Мен сенинг дунё аҳамиятига молик нуфузли мусобақадаги ғалабанг ҳақида эшитиб, беҳад қувондим. Ер куррасида ўз вазни бўйича кучли боксчи унвонини қўлга киритиш — бу чинакам спорт жасорати, бу ҳақиқий улкан муваффақиятдир.

Сенинг шарафингга Ватанимиз байроғининг кўтарилиши, Ўзбекистон мадҳиясининг янграгани республикамизнинг барча спорт мухлислари қатори менда ҳам юксак ғурур ва умидбахш туйғулар уйғотди.

Сен ўзингнинг ажойиб ғалабанг билан нафақат ёш мустақил давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини баланд кўтардинг, балки, ўзбек спорти шарафига-шараф, шонигашон қўшдинг. Ёшларимизни жисмоний чиниқтиришда, уларни ватанпарварлик ва ўз юрти билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ғалабангнинг аҳамияти беқиёсдир. Ишончим комилки, сенинг ютуғинг қадимий ва олижаноб анъаналарга эга бўлган республикамиз боксининг бундан буёнги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.

Қўлга киритилган ғалаба билан сени, қадрли Артур ҳамда Ўзбекистоннинг барча спорт жамоатчилигини чин дилдан яна бир бор табриклайман ва сенинг курашларинг жаҳон спорт майдонларида мустақил мамлакатимиз мадҳиясининг янада баланд янграшига хизмат қилади дея ишонч билдираман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

1996 йил — Амир Темур йили

БОҒДА ХАЛҚ САЙЛИ

Сергели туманидаги Усмон Носир номли истироҳат боғида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Халқ Демократик партияси туман кенгаши томонидан ташкил этилган «Буюк давлат арбоби» деган мавзуда адабий кеча ва халқ сайли ўтказилди.

Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Ирпан Тўхтаевнинг Амир Темур ҳақидаги ҳикоялари ва ўгитларидан ўқиб берган парчалари кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Шоиралардан Фарида Усмонова ва Нодира Рашидовалар соҳибқирон Амир Темурга бағишланган янги шеърларидан ўқиб беришди.

«Офарин - 96» кўрик-танловининг иштирокчиси — «Шабнам» вокал-чолғу гуруҳи, театрлаштирилган «Умид», «Юлдузлар» ва «Ғунча» кичик дасталарининг чиқиши кўплаб сергелиликларнинг дилини хушнуд этди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Махсус «Оқшом» учун

АРТУР ҲАЁТИДАГИ БАХТЛИ ЛАҲЗАЛАР

Маълумки, ўтган йилнинг апрель ойида «Тошкент оқшоми» газетаси муштарийлари ўзбекистонлик боксчи Артур Григоряннинг қитъалараро ўйинларда ғолиб чиққанлиги эвазига олган чемпионлик Олтин белбоғини кўрган эдилар. Мана энди орадан бир йил ўтиб яна апрель ойида бизнинг сураткаш мухбиримиз унинг янги тасвирини суратга туширди. Бунда Артур жаҳон чемпиони белбоғини яраклатиб турибди. Дарҳақиқат бизнинг бу юртдошимиз дунё аҳамиятига молик бўлган нуфузли мусобақада ғалабага эришиб, чинакам спорт жасорати кўрсатди. Ер куррасида ўз вазни бўйича кучли боксчи унвонини қўлга киритди. Келинг, энди Гамбургда профессионал боксчилар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа тўғрисида Артурнинг ҳикоясига қулоқ тутайлик:

— Ўтган йилнинг ноябрь ойи охирларидаёқ мен жаҳон чемпиони унвони учун курашишим кераклигини билган эдим. Бунга тайёргарлик кўриш учун вақт етарли эди. Шу боисдан мен ана шу вақтдан оқилона фойдаландим. Бутун вужудим билан бўлажак мусобақага ҳозирлик кўра бошладим. Чунки бундай нуфуздаги «жанг» ларга пухта тайёргарлик кўрмаса бўлмайди.

Март ойининг бошида жаҳон чемпионати 13 апрелда бошланиши маълум бўлди. Кутилмаганда руҳий бир тўсиқ пайдо бўлгандек бўлди. Журналистлар менга саволлар беришиб, хосиятсиз кунда («13» рақамини кўпчилик хуш кўрмаслигини биласиз) ҳал қилувчи учрашувга чиқишга қўрқмайсизми, деган саволлар беришди. Мен шунда уларга хосиятсиз кунларга ишонмаслигимни айтиб, ўзимни жуда ҳам хотиржам сезаётганлигимни билдирдим. Агар ҳар бир инсон ўзининг ишини яхши билса ва уни яхши амалга оширса қандай кунда, қандай жойда уни омад кутиши ҳеч гап эмас. Мен журналистларга ўзим учун омадли бўлган ўн биринчи кунни айтдим. Яна мен ана шу омадли кунлар қаторига ўн учинчи кунни нега қўшмас эканман, деган гапни ҳам айтдим. Бинобарин, гап ана шу кун ҳақида кетган экан, худди ана шу ўн учинчи кунда албатта ғалабага эришишим лозим эканлигини ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бу билан мен, Ўзбекистондан борган спортчи эканлигимни, ғалабани ўз фойдамга ҳал қилиб, жаҳон чемпиони унвони соҳиби бўлишим кераклигини кўрсатишим лозим эди.

— Ўз рақибингиз ҳақида ҳам гапириб бермоқчисиз.

— Рақибим Пуэрто — риколик Антонио Ривера эди. У чиндан ҳам кучли рақиб эди. Учрашувдан олдин мен унинг рингда тушган ўйинлари тасвири ёзилган лентани кўрдим. Ва кураш пайтида уни ўзимга яқин келтирмаслик лозим экан, деган хулосага келдим. Ривера ҳам жаҳон чемпиони бўлган. Хозир у 33 ёшда. Спорт учун эса бу ёш спортдан деярли хайрлашиш ёши ҳисобланади. Шу боисдан рақибим матбуот конференциясида бу галги жаҳон чемпионати унинг сўнгги имконияти эканлигини айтиб, агар чемпионлик унвони учун курашда маглубиятга учраса рингдан кетишини билдирди. Бинобарин Ривера учун бу ўйин сўнгги, мен учун эса биринчи эди. Ахир мен профессионал боксда фақат икки йилдан бери шуғулланаман-да. Шу боисдан бу ўйин менинг жаҳон чўққисига чиқиш учун биринчи уринишим эди. Қарангки, ана шу биринчи уринишимда омад ва зафар менга кулиб боқди. Мен ўн иккита раунддан ўн биттасини жуда ҳам ишончли равишда ютдим, рақибимни нокаут қилдим. Шундай қилиб мен жаҳон чемпиони белбоғига муяссар бўлдим.



— Сиз ҳозиргина профессионал боксда борйўғи икки йилдан бери шуғулланиб келаётганлигингизни айтдингиз. Ана шу вақт ичида ҳаётингизда қандай воқеалар содир бўлди?

— Ҳа, март ойида менинг профессионал боксга келганимга икки йил тўлди. Шу вақт ичида 19 марта рингга чиқдим. «Германия чемпиони» белбоғи, қитъалараро ўйинлар Олтин белбоғ чемпиони бўлдим. Ўзимнинг бешинчи жангимдан кейин Европанинг энг кучли ўнта профессионал боксчилари сафига кирдим, ўн иккинчи жангдан кейин эса Европа чемпиони унвонига мушарраф бўлдим, мана энди жаҳон чемпиониман. Бундан ортиқ юқори чўққи бўлмайди. Энди эгаллаган ана шу маррани қўлда сақлаб қолиш керак.

— Артур, мана сиз яна ўзингизнинг жонажон шаҳрингиздасиз. Сизни бу ерда қандай кутиб олишди?

— Биласизми, жуда қизғин кутиб олганликларидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мамлакатимиз Президентининг мени ғалаба билан қутлаб йўллаган табрикномасидан бошим осмонга етди. Катта ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида менга зарбоф тўн кийгазилди. Ахир мана шундай эътибордан фахрланмай, қувонмай бўладими! Сен эришган ғалабага сенга нотаниш бўлган кишилар қувониб, сени олқишлаётганлигини кўриш нақадар завкли. Демак сенинг ортингда сени қўллаб-қувватловчи, сенинг ҳар бир эришган ғалабангга чин дилдан қувонувчи ҳамюртларинг турибди. Демак ана шу ҳамюртлар ишончини оқлаш, мустақил Ўзбекистон шарафини халқаро нуфузли мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиш керак. Мен узоқ немис шаҳрида мамлакатимиз байроғи кўтарилиб, Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси янграшини ҳаётимдаги энг бахтли лаҳзалар деб биламан. Ана шундай лаҳзалар ҳар биримизга ёр бўлаверсин!

Азиз САИДОВ.

СУРАТДА: профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян.

Рустам Шарипов олган сурат.

Суратли лавҳа

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

Ўтган якшанба куни Ўзбекистон миллий боғида Тошкент Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси ўзининг қутлуғ байрами —Тошкент трамвайининг 95 йиллигини нишонлади.

Шу куни боққа соҳа ишчи-хизматчи, мутахассислари ва уларнинг оила аъзолари йиғилдилар. Очиқ саҳнада ўтказилган мажлисда ишдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳақида бироз тўхталиб, сўнгра ишда ўрнак кўрсатган ва самарали меҳнат қилган соҳа фидойиларига «Тошшаҳарйўловчитранс» уюмасининг мукофот ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

— Бугун биз учун катта байрам, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қобил Шокиров. — Транспортчиларимиз хизматларига яраша дам олсинлар, маданий ҳордиқ чиқарсинлар, деган ниятда мана бугун боғдаги ҳамма аттракционлар, ўйингоҳ ва томошагоҳлар ишчи-хизматчиларимиз фарзандларига мунтазир қилиб қўйилган. Боғдаги «Семург» вокал гуруҳи ва «Жасорат» халқ чолғу дастаси ўзларининг ажойиб қўшиқ ва рақслари билан хушнуд этишади...

— Қобил ака, мукофотланганлар билан таништирсангиз.

— Марҳамат, намунали хизматлари учун шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси музейи сақловчиси, фаол журналист Фаттоҳ Абдураҳимов, 1-троллейбус депосининг бош муҳандиси ўринбосари Шавкат Умаров, 2-трамвай депосининг режаҳисоб бўлими бошлиғи Вера Зоренко ва бошқалар уюмманинг мукофот ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Байрамга ташриф буюрган кекса транспортчиларни суҳбатга тортдик.

— Тошкентда трамвай илк бор 1901 йил 30 мартда икки ўқ устига ўрнатилган (кроват-конка) ни ингичка рельс устида ҳаракатлантириши билан юра бошлаган, — дейди ўзини шу соҳага бағишлаган, уруш йиллари трамвай депосига раҳбарлик қилган кекса транспортчи Комилжон ота Турсунов. — Конка соат 7 дан 19 гача бир-икки соат орасида юрар эди. Уша пайтларда 30 та конка бўлиб, ҳар бирига 24 йўловчи кетар, 10 километрли ингичка рельс устида юрувчи конкага 288 та от бириктирилган эди.

1907 йилда эса Бельгия акционерлик жамияти вокзалда биринчи трамвайни юргизганда отсиз «конка» ни томоша қилгани бутун шаҳар аҳолиси кўчага чиққан эди. Сирли қувват билан ҳаракат қиладиган трамвайни биринчи марта Константин Брикаев Пушкин кўчаси бўйлаб бошқарган. Мана, трамвай-троллейбуслар бугунги кунга келиб, янада тараққий этди. Йўловчилар ташиш бўйича янги-янги қулайликлар жорий этилаётир.

— Ўзбек хотин-қизлари ичида биринчилардан бўлиб трамвай бошқарганман, — дейди фахрий транспортчи, меҳнат фахрийси Раъно ая Аширбекова.

— Мен 1948 йилнинг 10 январь куни биринчи марта мустақил трамвай бошқарганман. Бу кунни сира-сира унутолмайман, — дейди меҳнат фахрийси, кекса транспортчи Иброҳим Шоюсупов.

— Ёшларга қандай тилакларингиз бор?

— Трамвай ҳайдашни орзу қилган ёшларга тилагим шуки, ўз олдиларига шундай мақсад қўйдиларми, уддасидан чиқиш учун нимаики зарур бўлса, қилсинлар, бажарсинлар. Қийинчиликлардан чўчимасинлар, сабр-тоқатли бўлсинлар.

Шу куни Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрганлар мароқли тадбирнинг гувоҳи бўлдилар. Ушбу тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ф.Файзуллаев, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюмаси, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари иштирок этишди.

Зоир ТУРСУНОВ.

СУРАТДА: мароқли тадбир қатнашчилари — фахрий транспортчилар Раъно ая Аширбекова турмуш ўртоғи Омон ота Аширбеков билан.

Рашид Галиев олган сурат.

Бизнинг йўлимиз аниқ ва равшан. Истиқлол, мустақиллик йўлидан, озодлик, эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш.

Ислом КАРИМОВ.

ИСТИҚЛОЛ ВА ЭРКИНЛИК ЙЎЛИДАН

ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

Табиий инқироз орқасида тарқалиб кетган собиқ СССР-ни қайта тиклаш иши бирдан кимларга керак бўлиб қолганини ҳар бир фаросатли кишининг ўзи англаб олади деб ўйлайман. Тарих саҳифаларидан абадий ўчган собиқ «империя» яна нимага керак бўлиб қолдийкин? У халқ хоҳишига мос жамият бўлганда «озод», «ҳур», «барча халқлар тенг ҳуқуқли республикалар Иттифоқи» бўлганда осонгина парчаланиб кетган бўлармиди?

Хўш, ўша «буюк империя»нинг бир ҳудуди бўлган Ўзбекистон 70 йил ичида нималарга эришди-ю, кейинги тўқсон биринчи йилдан буёнги тўла бўлмаган беш йиллик мустақиллик даврида нималарни қўлга киритди, солиштирайлик-чи.

Аввало, ўзбек деган сўзни олам эшитди, ўзбек халқи борлигини жаҳон билди. Байроғимиз БМТ биноси олдида мағрур ҳилпирай бошлади. Энди ана шундай байроқларимиз дунёнинг жуда кўп мамлакатлари пойтахтларидаги элчихоналаримиз пештоқида кўриниб турибди.

Хорижга чиқишимиз бемалол бўлиб қолди. Илгариги пачкалаб маълумотнома-ю суратлар, қоғозлар йўқолди. Расмиятчиликка чек қўйилди. Иймон-эътиқодимизни топиб олдик. Буюк сиймо-ю улуғ аллоларимизни топдик, халқимизга уларни танита бошладик. Ўз Ватанини кўриш орзусида юрган минг-минглаб хорижлик ватандошларимизга ўз қариндошуруғларини кўриш, улар билан дийдорлашиш насиб этди. Ҳақиқий Ватан туйғусини тушуниб етдик, унинг жозибаси ва меҳр-оқибатига, халқимизнинг нақадар камтар ва дилкашлигига ўзга халқлар ҳам тан берганлигига гувоҳ бўлдик. Мен кўпгина хориж мамлакатларида бўлганимда халқимиз шаънига айтилган шукуҳли гапларни мисол келтира оламан. Бунга чех халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучикнинг турмуш ўртоғи Густа Фучикова билан, Американинг машҳур олими, икки марта Нобель мукофоти соҳиби Глен Сиборг, грециялик Флоракис, болгариялик академик М. Герасимов, суриялик тарихчи Волид, ироқлик муҳандис Абдул Холиқ ва бошқа ўнлаб кишиларнинг фикрларини айта оламан. Айрим калтабин сиёсатдонларнинг МДҲ давлатлари ўзлари мустақил кун кўра олмайди, «Ҳолимиз вой» бўлади, деган гапларини бекорчи, бемаъни гаплар деб биламан. Айниқса, ўз истиқлоли йўлида илгарилаб бораётган Ватанимиз дастлабки ғалабаларни қўлга кирита бошлаганини кўриб қувонаман. Бизнинг ютуқларимизни кўра олмай, ҳасад қилаётган кишиларга нафратимни билдираман. Интеграцияни чуқурлаштириш орқасида ўзининг ёвуз ниятларини амалга оширмоқчи бўлганларга қарата: «Бундан буён мустақиллигимиз биз билан, уни ҳеч ким поймол қилишига йўл қўймаймиз!» — дейман. Боқимандалик кайфияти, зўравонлик, юқоридан туриб бошқариш, болта сопини ўзимиздан чиқариб иш кўриш каби иллатлар ўз умрини яшаб бўлди, дейман. Суверен давлатларни битта катта давлат атрофига йиғиб улар устидан ҳукмронлик қилувчи парламент, давлатлараро қандайдир юқори ташкилот ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш ва яна аллақандай идоралар яратишнинг тагида қандай мақсадлар ётганлигини яна қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин?

Бизнинг ишчиларимиз, деҳқонларимиз, олиму фузалоларимиз ва қолаверса тижоратчиларимиз дунёдаги барча халқлар билан дўстликда яшаш, ўзаро манфаатдорлик алоқаларини ўрнатиш, бир-бирига ҳамдард ва меҳр-оқибат намуналарини кўрсатиб яшаш орзусидадир.

Биз олим ва педагоглар тайёрлаб етказаётган, ёш кимёгар муҳандисларимизни тинч, осуда ҳаёт, ижодий меҳнат ва XXI асрдаги долзарб муаммоларни очишга, ўз ватанининг чин фарзанди бўлиб, халқига ва унинг мустақил равнақига хизмат қиладиган муносиб кишилар қилиб етказишимиз билан Ўзбекистондек ажойиб юртимизга хизмат қилишимизни мамнуният билан эслатиб ўтамиз. Ўз келажагимизга тўла ишонч кўзи билан қараб мустақиллик йўлидан сира оғишмай илгарилаб бораверамиз.

Қудрат АХМЕРОВ,
Тошкент кимё-технология институти профессори.

ТАРИХ САБОҚЛАРИ ЁДДАН ЧИҚМАЙДИ

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Хорижий давлатлар элчилари, журналистлар билан кечагина бўлган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг доно сўзлари, юрт учун қайғуришлари, сиёсат майдонидаги мардона кураши Россия Давлат Думаси тарихни яна орқага тортишга интилиб, қилаётган номақбул ҳаракатларига қарши зарбалар берди. Бу ҳақиқат камина дилига тушиб, ушбу мақолани ёзишга даъват этди. Мен, халқимизнинг бир камтарин қаламкаши сифатида мустақиллик сиёсатимизни қўллаб-қувватлайман, шу учун курашаман ва шу учун яшайман!

Озгина ўз тарихимизга мурожаат этгим келади: пешонаси тўла ажин, қадимий ва жафокаш Туронзамин бизнинг замонга келиб истиқлол топди. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, қон тўкишлар, талотуму қирғинларсиз халқларимиз ўз мустақиллигини қўлга олди.

Ўзбекистон ҳеч кимга бўйсунмас қудратли давлат бўлмоқда. Бу жараён айни вақтда хамирдан қил суғиргандек осон бўлаётгани ҳам йўқ, меҳнату курашу матонат давом этмоқда.

Юракда мустақиллик шуури, мутеълик кишанлари узиб ташланган, ҳақорату камситишларга жавоб қила оладиган мушту билакларимизда занжир йўқ. «Пахта иши» деб минг-минглаб фарзандларимиз зиндонга ташланди, қутқардик. Асрий мерос юзага чиқмоқда, дини ислом, иймон таъқибдан қутулди. Она тилимиз зангламай, истеъмолга кирмоқда. Ўз қўшинимиз қудрат олаётгани қалбларимизга бенихоя илҳом бахш этмоқда. Пойтахтимиз Тошкент кундан-кунга гўзал бўлмоқда, дунёда энг буюк шаҳарлар қаторига кириб, қад кўтармоқда. Озод жумҳуриятимиздаги бошқа шаҳарлар ҳам обод бўлмоқда.

Ўзбек диёри минг йиллар мобайнида Бахри Муҳитдек тинимсиз тўлқинланиб, баъзида кучли довуллар, бўронлар гирдобида ғарқ бўлаёзди. Темурийлар замонида маънавияту илму адабга катта эътибор берилиши натижасида тараққиётга юз тутиб, еримиз жаннатмакон бўлди. Беқиёс шаҳру қалъалар, ариғу анҳорлар, мадрасаю масжидлар барпо бўлди, беназир иншоотлар қад кўтарди. Ўзбек давлатининг ал-Хоразмию шоҳ Маъмуни, улуғ Амир Темурнинг довруғи жаҳонни қоплади, Самарқанду Бухоро, Шошу Кеш, Хеваю Урганж, Андижону Фарғона, Наманган, Хўжанду Ахсикенту Ўзгану Ўш, Термизу Дабусия, Қанг ва Насафу Мозандарон, Балху Ўтрор... тараққийси олдида Шому Ироқдаги Ҳорун ар-Рашид салтанати ҳеч гап бўлмай қолди. Бу муқаддас замин — Ажам юртларининг узоқ кечмиш тарихини ёзган муҳтарам тарихнавис олимлар хизматини қадр этиб, камина ҳам ўз фикри ожизим ила баъзи мулоҳазаларни баён этмоқни лозим топаман, токи холис мулоҳазалар ўртага ташланмас экан, тарихимизни ўрганиш фани ҳам бўтана бир қўлга айланади. Бир гапни такрорлайбермай, кенг қанот ёзмоқ лозим.

Академик Бўрибой Аҳмедов ёзади: «Ўзбеклар, қозоқлар, туркману қирғизу қорақалпоқлар ва бошқа туркийзабон халқларнинг аждодлари қадимдан ҳозирда истиқомат қилиб келаётган ҳудудларда кун кечирганлар. Аммо ўша замонларда улар умуман турк деб, ёки ўзлари мансуб бўлган қабилаларнинг (Найман, Бурқут, Дўрмон, Қўнғирот, Манғит, Қорлуқ, Қипчоқ, Қанғли, Емек, Яғуз ва ҳоказо) номи билан аталиб келганлар. Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи-арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асарида муҳим маълумотлар келтирилганким, уларнинг илм-фан, хусусан ўзбек халқининг этник тарихи ва келиб чиқишини ўрганиш учун аҳамияти бениҳоя каттадир...»

Эзгу Ватанимиз тарихида — минг йил ичида уч буюк тўлқин содир бўлган, деган мулоҳазани ўртага ташламоқчиман: биринчи тўлқин — Кушон даври салтанатидан сўнг Алп Эр Тўнга, яъни Афросиёбни, буюк Сиёвушлар даврини яратди. Иккинчи тўлқин — уч юз йил мобайнида сомонийлар, салжуқийлар, қорахонийлар, хоразмийлар салтанати Ҳималай тоғидек қад кўтариб, бу томони Чину Кашмиру Панжобгача, бу томони Синд дарёси-ю Мекрон, яъни Белужистон, бу томони — ғарб — Бағдоду Кабадою Мозандарону Ғилон, Луристону Ширвонгача етди. Хоразмийлар ўн бир маротаба Қоҳираю Бағдод, Халабу Дамашқни эгалладилар. Бу даврда Туронзамин мислсиз тараққиёт топиб, дунёга Хожа Аҳмад Яссавий, Исмоил ал-Бухорий, Мусо ат-Термизий, Имом Каффол Шоший, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд Қошғарий, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Форобий, Наршаҳий, ан-Насавий... мингларча меъморлар, олиму уламо, фозилу фузалоларни берди. Туронзамин Бахри Муҳитдек тўлқинланиб, соҳилларини ларзага келтиргани хусусида қанчалаб китоблар ёзилди. Она тарихимиздаги учинчи катта тўлқин — буюк саркардаю қоҳибкирон Амир Темур тузган салтанатдирки, ўз заковати, даҳо салоҳияти, шаҳду шижоати, илму камолоти ила анча ўзиб кетди. Мозийдаги на сомонийлару салжуқийлар, на қорахонийлару исмоилийлар, на араблару хоразмийлар ва на мўғуллар у даражага ета олди! Бу давр дунёга Шайхулислом ҳазрат Мир Саид Баракани, Нажмиддин Куброни, Мирзо Улуғбегу Хўжа Аҳрорни, Низомиддин Шомийю Абдураззоқ Самарқандийю Ҳофизи Абруни, Шарафуддин Али-Яздийни, меъмор ал-Бухорий, Навоийю Жомий, Лутфию Саккокийни, Мирхонду Хондамиру Бобурни берди...

Асрлар қаърига боқиб аждодлар овозига қулоқ соларканмиз, қанчалик армону уқубат, пушаймону ҳақиқат, нолаю қувонч қулоққа чалинади. Тупроқ қатида ётган қанчалар севгию муҳаббат ҳароратини ҳам сезгандек бўламиз. Отларнинг кишнаши, аслаҳа жабдуғ, қурол-яроғларнинг жаранг-журунги, ҳайқириқ-нидолар, наъраю музаффарият қувончлари, маглубларнинг зиндоний оҳу надоматларини ҳам тинглаймиз. Эрам боғлари олисолисларда саробдек кўзга ташланиб, ғойиб бўлади...

Оврўпо киночилари биргаликда яратган «Христофор Колумб» фильми намойиш этилди. Кино мароқли, бироқ испан баҳрайни Колумб, шу замондаги мамлакат қироличаси Изабелла тилидан фақат оврўполик олимлар, сайёҳлар, Баҳри Муҳитда сузувчилар тилга олиниши, фақат Марк Пололар ҳақида сўз юритилиши лозим, дейдилар. Унинг саргузаштлари, донишмандлиги, қаҳрамонлиги тавсиф этилмоғи лозим, дейдилар.

Шарқ маърифати, дунёдаги машҳур сайёҳлар номи мутлақо тилга олинмайди: Шарқ билан Ғарб ўртасига буюк Хитой девори қўйдилар. Беш юз эллик йил муқаддам Соҳибқирон Амир Темур салтанати дунёга донг таратгани, ҳатто Испания қиролининг элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо узоқ вақт Самарқандда, улуғ шоҳ Амир Темур саройида тургани, китоб ёзгани хусусида чурқ этмайдилар. Ундан анча аввал машҳур Синдибоди — баҳрайн, ибн Баттуталарнинг жаҳон океанларини неча бор айланиб чиққани, қанча ороллар, соҳилу қитъалар, чангали мозандаронлар, ёнартоғларни очиб, жаҳон афкор оммасига маълум қилгани қаёқда қолди!

Буюк Шарқни менсимаслик, камситиш ҳозирги кунда яна авж олмоқда. Ҳамон шундай экан, бебаҳо Шарқ қадриятларини ўғирлаб кетмасликлари керак эди! Ҳатто Колумбдан анча аввал ўтган Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида Америка қитъаси ҳақида хабар берган эди: «...Баҳри Муҳит ортида буюк рўйизамин бор». Ҳиндистонда турганида башорат қилиб ёзгани нега эсламайди? Оврўполиклар бу башоратни билмаган бўлишлари мумкин, аммо Синбод ила ибн Баттутани биладилар-ку! Уларни тилга олмаслик кечириб бўлмайдиган гуноҳ эмасми! Ҳа, биз бундай камситишларга эътибор бермай қўйганмиз, уларнинг бундай камситишларига қарамай карвонимиз ўтиб бораверади. Россия Думасидаги найранг, бизни муте қилиш «қарори» ҳам шундақа гап.

Не-не жафоларни кечирган Она-ватанимиз тарихи яна бир бало-қазога учрамасин деб шу тарихий сиймоларни тирилтиришга қўл урдик. Аллоҳнинг ўзи йўл берсин. Инсон кўнгли гулдек нозик бўлгани билан унинг жисми темирдек маҳкамдир, машаққатларга, дилозорликларга, адолатсизликларга бардош бера олади. Ўзбек халқи — рўйинтандир, у ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, қилич кесмайди, ўқлар тешолмайди...

Ога-инилик, дўстлик, бегаразлик курашу меҳнатда синалади, ғанимлар вассасига учадиган нодон йўқ! Тарих сабоқлари ёддан чиқмайди!

ҚЎЛИМИЗ КОИНОТГА ҲАМ ЕТМОҚДА

«ЎЗБЕККОСМОС»НИНГ ОЛАМШУМУЛ ИШЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ

Ўзбекистон космик тадқиқотлар давлат агентлиги — «Ўзбеккосмос» таржимаи ҳоли 1992 йил декабрда бошланган. У ўшанда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ташкил этилган эди.

Аммо Ўзбекистоннинг космик тадқиқотлар ўтказишга киришганига анча бўлган. Бироқ тоталитар тузум даврида мустамлака ўлкаларнинг бошқа муваффақиятлари қатори Ўзбекистоннинг коинотни ўзлаштиришга қўшаётган улкан ҳиссаси тўғрисида ҳам деярли ҳеч нарса дейилмас эди.

ОЙНИ БУРҒАЛАГАН ҚУРИЛМА

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд бўлганлиги, унда тайёрланган асбоб-ускуналар Ернинг сунъий йўлдошлари «Салют», «Мир» орбитал станцияларига ўрнатилганлиги, юртимиз диёрида яратилган қурилмалар Венера, Ой, Марсга етказилганлиги тўғрисида кенг омма деярли хабарсиз эди.

Буни ўша пайтда космосни ўзлаштириш соҳасидаги деярли барча тадқиқотлар қатори сир тутилганлигига йўйиш мумкин. Аммо Ўзбекистон Ер атрофи сайёраларини тадқиқ этиш учун бутун салоҳиятини сарф этгани ҳолда унинг ўз манфаатлари деярли ҳисобга олинмаслиги ўша мустамлакачилик сиёсатининг кўринишидан бошқа нарса эмасди. Республикамиз олимлари ва мутахассисларини коинотни ўзлаштиришга қўшаётган улушлари Россия ва Украинадаги ҳамкасбларникидан кам эмасди. Ҳамма нарсада бўлгани каби бу йўналишда ҳам барча кўрсатмалар Москвадан олинар ва унинг буйруғи билан иш кўриларди.

Ҳолбуки, ўша пайтларнинг ўзида «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республика халқ хўжалигини жадал тараққий эттиришга хизмат қиладиган илмий ечимлар, амалий қурилмаларга эга эди. Худди шу бирлашмада энг ноёб қотишмалар, кристаллар олинарди. Фаннинг туташ соҳаларида жуда катта кашфиётлар қилинган эди. Минг афсуски, уларнинг анчагина қисми кашфиётлигича қолиб кетди.

Сўнгги йиллардагина Ўзбекистонда яратилган Ойни бурғалаш қурилмаси «Луна-24» сайёраларо автомат станциясига ўрнатилганлиги ошкор бўлди. Ўзбек олимлари ва мутахассисларининг салоҳияти билан Ой сатҳидан бурғаланиб олинган жинслар ерга қайтариб келинди.

— Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг космик тадқиқотларнинг тараққиётимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига чинакамига муносиб баҳо берилди, — дейди «Ўзбеккосмос»нинг бош директори, физика-математика фанлари номзоди Камол Мўминов. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу ҳақдаги Фармони ана шунинг ёрқин далилидир. Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирлар туфайлигина биз республикамизнинг космик тадқиқотлар соҳасидаги илмий-техникавий салоҳиятни сақлаб қолибгина эмас, уни янада кучайтириш имконига эга бўлдик.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари Ўзбекистон фани ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида ўз космик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконига эга бўлдилар. Уларнинг тез орада юқори самара беришига ишончимиз комил.

ЎЗ ЙЎЛДОШИМИЗ БЎЛАДИ

ЎЗ ВАҚТИДА космик тадқиқотлар соҳасидаги мутахассислар ғалла ҳосили жуда кам бўлишини аниқлаб бердилар. Улар маълумотларига таянган собиқ иттифоқ ҳукумати апрель ойидаёқ Канададан дон харид қилиш тўғрисида шу мамлакат билан шартнома тузди. Канадаликлар бу шартнома нима учун бунчалик эрта тузилгандан анча тааммубга тушган эдилар. Собиқ СССР ҳукуматига эса коинотни тадқиқ этишда иштирок этаётган олимларнинг ўз вақтида огоҳлантиришлари қанчадан-қанча маблағни тежаш имконини берди. Чунки қурраи заминнинг кўп жойида ўша йили ҳосил кам бўлганлиги сабабли кузга бориб буғдойнинг нархи чинакамига осмонга кўтарилиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати ходимлари ҳам яқин вақт ичида бошоқли дон экинлари ҳосили қандай бўлишини олдиндан айтиб бериш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун кенг қамровли ахборотларни ишлаш автоматлашган технологияси ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда ҳам сунъий йўлдошлардан олинаётган маълумотлар Ўзбекистон халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Гидрометеорология хизмати мутахассислари, жумладан, Марказий Осиёнинг тоғли минтақалари учун тоғлардаги қор қалинлигини аниқлаш дастурини амалга оширмоқдалар. Бу дастурда, жумладан, сув заҳираларини аниқлаш муҳим ўрин тутади. Маълумки, бизнинг суғориладиган деҳқончилик шароитида бундай тадқиқотларнинг юқори ҳосил етиштириш учун аҳамияти катта. Гидрометеорология хизмати ходимларига ушбу тадқиқотлар учун керак бўлган бу маълумотларни сунъий йўлдошлар етказиб бермоқда.

Ҳозирги пайтда Америка Қўшма Штатларининг сунъий йўлдошидан олинаётган ахборотлар асосида чўл яйловзорларида майсаларнинг аҳволини аниқлаш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Чорвадорлар олимлар фикрларини интиқлик билан кутмоқдалар.

Халқ хўжалиги эҳтиёжлари йўлида фойдаланиладиган Ўзбекистоннинг ўз сунъий йўлдоши ҳам бўладими?

— Бунга муайян даражада ижобий жавоб бериш мумкин, — дейди Камол Мўминов. — Мамлакатимиз кооперациялаш асосида сунъий йўлдошлар яратаётган биронта мамлакат йўлдошини олиши мумкин. Ёки коинотга чиқарилган сунъий йўлдошни ижарага олсак ҳам бўлади.

Ҳозир республикада сунъий йўлдошдан ахборотларни қабул қилиб олиш, ишлаш ва тарқатиш минтақавий ахборот мажмуаси ташкил этилмоқда. Унинг иш бошлаши мамлакатимиз халқ хўжалиги кўпгина муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади.

АҚШДАН ЎН ЙИЛ ИЛГАРИ

КЎЗГУСИ ана шундай улкан бўлган радио телескопга зарурат туғилганига анча бўлди. Шуни айтиш кифояки, бундай радиотелескоп ўрнатилиши учун талаб қилинадиган ҳамма шартларга мос жойни 15 йил мобайнида қидиришди. Ана шу шартларга тўла жавоб берадиган жой Жиззах вилоятининг Суффа платоси бўлиб чиқди. Ана шу жойда кўзгусининг диаметри 70 метр бўлган радиотелескоп ўрнатилди. Ўзбекистондаги бу қурилманинг ғоят ноёблигини шундан ҳам билса бўладики, АҚШда худди шундай радиотелескопни 2007 йилда ўрнатиш мўлжалланган. Шунинг учун ҳам бу қурилма билан жаҳондаги барча «космик» давлатлар қизиқиб қолдилар. Чунки у радио тўлқинларини ўта аниқлик билан ўлчаш имкониятини беради:

Олимлар учун бебаҳо ҳисобланган бу қурилманинг халқ хўжалигимиз учун ҳам аҳамияти борми? Албатта! У орқали заминимизда рўй бераётган ўзгаришларни ғоят аниқлик билан билиб олиш мумкин. Радиотелескоп тахмин этилаётган зилзилаларни аниқлашда ҳам қўл келади.

Хорижий олим ва мутахассисларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга бундай манфаатдорлиги Ўзбекистоннинг халқаро космик ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

ХАЛҚАРО ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДА

АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия ташаббуси билан яратилган «Интербол» халқаро дастури 80-йилларнинг бошларида амалга оширила бошланди. Ундан қўёш жараёнларининг Ерга таъсирини ўрганиш мақсади кўзланган эди. Жумладан, ушбу дастурга мувофиқ об-ҳаво шароитларининг ўзгариши, радиоалоқа, телевидение кўрсатувларини йўлга қўйиш ва инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга киришилди.

Ўзбекистон олимлари бу дастурга 80-йилларнинг охирларида фаол қўшилдилар. Бугунги кунда эса «Интербол» 20 га яқин мамлакатни бирлаштирган. Унинг дастурига кўра Ер атрофидаги орбитада илмий асбоб-ускуналар ўрнатилган тўртта космик аппаратдан иборат улкан қурилма яратиш кўзда тутилган.

«Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси худди ана шу асбоб-ускуналар яратиш устида иш олиб бормоқда. Дастурда кўзда тутилган тўртта космик аппаратнинг биринчиси ўтган йил август ойида Ер атрофидаги орбитага чиқарилди. Иккинчи космик аппаратни шу йилнинг май-август ойларида учириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон олим ва мутахассислари иштирок этаётган иккинчи йирик халқаро дастур «Радиоастрон» деб номланган. Ушбу дастур доирасида «Коинот—Ер» антенна тузилмасини яратиш режаланган. У ўзида Ерга ўрнатиладиган қатор радиотелескопларни ҳамда кўзгусининг диаметри 10 метр бўладиган радиотелескопли космик аппаратни мужассамлаштирган. Мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари худди ана шу радиотелескопни яратдилар. Бу халқаро дастурдан республикамиздаги кўзгусининг диаметри 70 метр бўлган радиотелескоп ҳам ўрин олиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Фақат сўнгги уч йил ичида хорижий мамлакатларнинг 70 га яқин делегацияси «Ўзбеккосмос»да бўлдилар. Космик тадқиқотлар, телекоммуникациялар, асбобсозлик, машинасозлик соҳаларидаги турли компанияларнинг вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар ўтказилиб, қатор амалий аҳдлашувларга келишилди.

Бир сўз билан айтганда мустақил Ўзбекистон коинотга дадил интилмоқда. Унинг космик тадқиқотлари кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверишу шубҳасиздир.

Эркин МАДИЁРОВ.



СУРАТДА: «Луна — 24» сайёраларо автомат станцияси.

ПАРВОЗИМИЗ БАЛАНД БЎЛҒАЙ

Қафасдан қутулган қушнинг қўкларга парвоз қилишдан бўлақ муддаоси бўлмайди. Бизнинг халқимиз қадим-қадим замонлардан эрксевар халқ бўлган. Буюк Навоийнинг айтганидай:

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Бизнинг халқимиз кўп йиллар зулм асосига қурилган, туғриғоғи, зўрликка асосланган давлат қарамоғида яшаб келди. Ғарчи биз қоғозда мустақил жумҳурият деб эълон қилинган бўлсак ҳам, бирор масалани ўзимизча ҳал қила олмас эдик. Бунинг тасдиғи ўлароқ кечагина Президентимиз ўз нуқтаи назарини ўртамизга ташлаган эди. Ўн кунлик ёпилишида Сталин имзоси билан Тошкентда академик драма театри биноси учун маблағ ажратилган. Эндигина бино учун жой ажратилиб (ҳозирги циркнинг биноси ўрни мўлжалланган эди) лойиҳалар тайёр бўлиши арафасида уруш бошланиб қолдию бино қуриш масаласи тўхтатилди. Тўғрисини айтганда, ҳозирги Аброр Ҳидоятов театри ишлаб турган бинони (олдин Ҳамза театри жойлашган эди) 20-йилларда ўзбек бойларидан бири клуб учун мўлжаллаб қурган бўлиб, кейинчалик қўшимча қурилишлар билан театр ҳолига келтирилган эди. Ҳамза театри жамоасининг дунёга машҳур спектакллари қўйила бошлангач, бу бино, айниқса, саҳна имкониятлари бутунлай мос келмай қолган эди. Шу туфайли ҳам янги театр биноси қуриб берилишини сураб, бир неча бор Москвага мурожаат қилинди. Аммо ижобий жавоб олинмади. Айниқса, Хрушчев замонасидаги Марказқум томонидан «Саройлар, театрлар қуриш тўхтатилсин» деган фармони энди бинонинг қурилишига тўсиқ бўлиб қолди.

Бир сайловда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси депутатликка Тошкентдан номзод бўлганлиги учун театрда бўлган учрашувга келиб қолдию, биз яна театр биносини ўртага ташладик. Шунда у раҳбар бизнинг Усмон Юсуповни ёнига чақириб, бутун сайловчилар олдида бўлғуси сайловни янги театр учун қуриладиган бинода ўтказамиз деган ваъдаси қулоғимга остида янграб турибди. Фурцева театримизга келиб, В. Шекспирнинг «Юлий Цезарь» спектаклини кўрар экан, барча томошабинлар олдида бизнинг жамоамизга қойил қолганлиги ва бундай машҳур спектакль ижрочилари учун ҳозирги бино лойиқ эмас ва «Мен янги бино қурилишини яна бир бор кўтараман» деб ваъда берган эди. Албатта, маданият министри Фурцева бу масалани кўтаролмаган, лекин муовини Новиковни Тошкентга юборади ва бирорта кинотеатрни реконструкция қилиш йўли билан бўлса ҳам Ҳамза театри учун замонавий саҳнага эга бўлган бино қурилишига ижозат берилишини ўртага ташлайди. Албатта, бу ҳаракат 1966 йилдаги зилзила бинонинг бир қисми вайрона бўлгани туфайли олдинги қисмига жуда катта зарар етказди. Эндиликда бу бинони бутунлай янгитдан қуришдан бўлак йўл қолмаган эди. Ш. Рашидов барча масъулиятни бўйнига олиб шу бинонинг тикланишига бош бўлди.

Эндиликда мустақиллигимизга қисқа муддат бўлишига қарамай қанча бинолар қад кўтараётганлигини кўриб турибмиз. Айниқса, Мустақиллигимизнинг беш йиллиги, Амир Темурнинг таваллуд топганига 660 йил тўлиши муносабати билан қилинаётган ишлар кишини қувонтиради.

Айтмоқчиманки, энди бизга турли хил ном билан аталган олтин қафас мутлақо керак эмас. Эркин парвозимиз баланд бўлғай, иншоолоҳ!

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
халқ артисти.

1996 йил — Амир Темур йили

ИЛМ-ФАННИНГ УЛКАН ҲОМИЙСИ

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймолардан бири, ўз она юртини, халқини, динини чин дилдан севган улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темур илм-фан ва маданиятнинг улкан ҳомийси, толмас жонкуяри бўлган. Мамлакатда фан ва санъатнинг тараққий этиши ва ривожланишини бу улуғ зотнинг азиз ва мўътабар номисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Соҳибқиронинг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан илм-фанни юксак поғонага кўтариш мақсадида Мовароуннаҳр шаҳарларида кўплаб мадрасалар, масжидлар, қироатхоналар, кутубхоналар бунёд этилган.

Амир Темур қурдирган масжидлардан бири Самарқанд шаҳридаги жомеъ масжидидир. Бу масжид ҳақида Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида шундай ёзади: «...Темурбек... яна Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндистондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «Ва из ярфау Иброҳимал — қавоида (ило охириҳи)» андоқ улуғ хат билан битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий иморатдур».

Бобокалонимиз раҳнамолигида бунёд қилинган бу каби масжид, мадрасалар талайгина бўлган, албатта. Таъкидлаш лозимки, соҳибқирон Амир Темур ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида ҳам илм-фан, маданиятни ривожлантириш учун кўплаб илмий муассасалар қуришга амр этган. Чунончи, манбаларда кўрсатилишича, Бағдодда мадраса, Табризда масжид, Шерозда сарой қурдирган. Илмгоҳларда диний билимлар билан биргаликда дунёвий фанлар ҳам кенг миқёсда ўқитилган. Талабаларга ўз даврининг йирик алломалари дарс берганлар. Мадраса мударрисларига кўп маош тўланган, улар фаровон ҳаёт кечирганлар.

Фан фидойиси бўлмиш улуғ бобомиз олиму уламолар, фозиллар, умуман илм аҳлига алоҳида муҳаббат, юксак эътибор ва эътиқод билан қараган. Соҳибқирон ўзининг «Темур тузуклари» асарида бу ҳақда шундай деб ёзган: «Саййидлар, уламою машойих, оқилу доноларр, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззат ҳурматларини жойига қўйдим... Уламо билан сухбатда бўлдим... Улар менинг саройимга доим келиб-кетиб, мажлисимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди».

Соҳибқиронинг илм аҳлига кўрсатган чексиз иззат-икроми тўғрисида Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» асарида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз мурувватн бисотини ёярди... Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди». Яна шу нарса диққатга сазоворки, «Темур тузуклари»да ёзилишича, салтанат саройида ўрин олиш қоидаларига кўра саройдаги расмий маросимларда, яъни подшонинг олий мажлисларида уламо, фузало, машойихлар, саййидлар, қозилар улуғ соҳибқироннинг ўнг тарафидан ўрин олганлар. Ушбу далил ҳам Амир Темурнинг илм, дин аҳлига бўлган беқиёс ҳурматидан ёрқин дарак беради.

Кези келганда шуни айтиш ўринлики, Амир Темур гарчи Турони заминда олимлар, муҳандислар, усталар етарли бўлса-да, Ҳиндистон, Ироқ ва Эрондан ҳам олиму фузалоларни Самарқандга олиб келган. Херман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида қайд этилишича, Амир Темур қайси мамлакатни эгалласа, унинг ноёб ўлжаси — шу ўлканинг рассомлари, моҳир усталари ҳисобланган. У ўша ерлик олиму уламоларга меҳрибонлик кўрсатган. Соҳибқирон Исфаҳонни забт этганида, аскарларига уламолар маҳалласига шафқат қилишни амр этган. Ҳирот, Ҳалаб уламолари билан диний мунозаралар қурган. Уларга шоҳона ҳадялар берган. Айниқса Темур аллома Шарафиддин Ҳалабий билан ниҳоятда кескин мунозара қилган. Сўнгра уни ҳимоясига олиб, ўзи ва мурдларига қимматли ҳадялар беришни буюрган. У Шамсиддин қозига, Жазирийга ҳам тортиқлар инъом этган.

Юқоридагилардан англашиладики, ўзга юртлардан келган олиму фузало, шоирларга Амир Темур жуда катта саховатлар кўрсатган. Херман Вамбери асарида бу ҳақда яна қуйидаги сатрларни учратамиз: «Темурнинг ҳимоя ва мурувватидан фойдаланган ажнабий уламо ва шоирларнинг сони ҳам ҳаҳамиятсиз эмас эди... Мовароуннаҳрга ўзи олиб келганларнинг ҳаммасига соҳибқирон жувонмардона инъом ва эҳсон қилур эрди. Истеъдодли бўлганлари, масалан, энг буюк қомусий, арабий ёзувчи Жазирий катта мансаб олди. Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгарида бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган иш ҳақи олдилар».

Амир Темур ўз саройида фан ва диннинг машҳур кишилари билан суҳбатлар, маслаҳатлар, кенгашлар ўтказиб турган. Улар билан илмий мубоҳасалар қилган. Олиму фузалоларни мамлакатда адолатни ўрнатиш, давлатни ривожлантириш учун ўз маслаҳатлари билан подшоҳга кўмаклашишга, ёрдам беришга чақирган. Марҳум академик, буюк аллома Иброҳим Мўминов ўзининг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асарида тарихий манбаларга суянган ҳолда бу тўғрида шундай деб ёзган: «Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарор қабул қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди. Одатда, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди. Бу суҳбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида Мовароуннаҳр ва Хоразмдан ташқари, Олтин ҳамда Оқ Ўрдаларни, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Туркия, шунингдек, бутун мағрибни ўз ичига олган подшоҳликка оид ишлар ҳақида гап боради».

Иброҳим Мўминов ўз асарида яна Амир Темурнинг илмпарварлиги, олимпарварлиги, фанни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида Француз олими Л. Лянгленинг қуйидаги фикрларини ҳам келтириб ўтадики, бу жуда ҳам марокдидир: «Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берарди».

Амир Темурнинг бошқарув тизими мамлакат учун шубҳасиз, илм-фан тараққий этган, юқори поғонага кўтарилган давр бўлган. Бу даврда ўлкада кўплаб мадрасалар таъсис этилган, улар ҳукуматнинг кўрсатган жуда катта моддий ва маънавий ёрдами туфайли кенг миқёсда тараққий этган. Мадрасаларда диний фанлар билан баробар риёзиёт, ҳандаса, меъморлик, астрономия, адабиёт, тарих, мусиқа каби фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор берилган. Фанларнинг бу соҳаларини ривожлантириш соҳибқироннинг доимо диққат марказида бўлган. «Темур тузуклари»да айтилишича, мусулмонларга диний масалалардан таълим бериш, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс бериш учун соҳибқирон томонидан ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилинган.

Амир Темур замонида кўплаб илм аҳллари етишиб чиққан. Улар соҳибқирон саройида хизмат қилганлар, мадрасаларда дарс берганлар. Йирик файласуф, фалакиёт олими Амир Саййид Шариф Журжоний бир неча китобларга шарҳ ёзган, улкан фиқҳ олими Саъдуддин Тафтазоний, қомусий билимлар соҳиби Хожа Муҳаммад Порсо, ўз замонасининг машҳур ҳаттоти Мирали Табризий, таниқли наққош ва мусаввир Пир Саййид Аҳмад Боғишамолий, беназир мутриб ва мусиқачи Абдуқодир ал-Мароғий, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин мунши, Мавлоно Бадриддин, Хўжа Афзал сингари йирик олиму фозиллар, санъаткорлар соҳибқирон ҳомийлигида яшаб, ижод этганлар.

Хуллас, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур илм-фаннинг улкан ҳомийси, фидойиси сифатида мамлакатда ғоят катта ишларни амалга оширган. Илмни ва илмли кишиларни беҳад қадрлаган. Халқимизнинг маънавий юксалишига жуда катта ҳисса қўшган. Ўлкада фан ва маданиятнинг ривожланишида унинг хизматлари ниҳоятда улкан ва беқиёсдир.

Носиржон ОХУНОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

УЙДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

1941 йили. Соҳибқирон Амир Темур руҳини безовта қилдилар. Балки қасоскор руҳ жунбушга келгандир, балки тасодифдир, эртасига қирғинбарот уруш бошланди. Темур руҳи кўп йиллар давомида ўзига отилган маломат тошларига чидаб кела-кела, охири аллакимлар унинг суякларини масхаралаб қўлида ўйинчоқ қилганига чидолмай қолган бўлса, не ажаб? Ниҳоят Соҳибқирон ҳоки ўз жойига келтириб қўйилганидан сўнг урушда бурилиш пайдо бўлади. Бу ҳам тасодифмикин?

Ўша «тарихий» «кавлаш» пайтида антрополог Герасимов Соҳибқироннинг бош суягидан портрет яратади...

Бу соҳага алоқадор мутахассислар Герасимовнинг буюк олимлигини бир мисол билан исботлайдилар. Эмишки, денгизнинг соҳилга яқин жойида бир денгизчи сувга чўкиб кетади. Орадан йиллар ўтиб унинг склетини олиб чиқадилар. Герасимов ўша суяк-саёқларга қараб денгизчи қиёфасини чизади. Суратни марҳум денгизчининг онасига кўрсатадилар. Она шўрлик «Вой, бу — менинг ўғлим-ку!» деб хитоб қилади. Бу гапга ишониш мумкин. Герасимов улуғ антрополог бўлганига ҳам ишона қолайлик. Амир Темур қиёфаси юз чизиқлари, қош-кўзи, соқол-мўйлови... ҳаммаси жойида... Лекин портрет яратишнинг энг ноозик қоидаси бор: кўз ифодаси! Герасимов Темурнинг кўзини анчайин ёвуз қилиб тасвирлаган! Ҳамма гап шунда! «Буюк» антрополог Соҳибқироннинг «Таржимаи ҳол» китобини ўқиганми-йўқми, билмайманку, яқин-яқинларгача бу китобдан биз ҳам бехабар эдик. Темурнинг ҳаётий ақидалари баён қилинган ўн икки принципнинг бирида айтилган: Соҳибқироннинг алоҳида юмушларини бажарувчи икки вазири бўлган. Бири — Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний, яна бири — Насриддин Маҳмуд ал Аромий. Темур уларга «энг осон» ва «энг мушкул» вазифани топширган: «Агар мен ўзим билмай қолиб, адолатсиз қарорлар қабул қилсам, агар ўзим билмай қолиб бировнинг мулкига хиёнат қилсам, агар ўзим бехабар, ёлғонларга учиб, эл манфаатига зид иш қилсам, ўша замон мени огоҳ қиласизлар!»

«Адолатсиз» шоҳ шунақа бўладими?

ЛОҚАЙДЛИК

Мулла Насриддин кўча эшигига чиқиб хаёл сурe-еб ўтирса, бир одам ҳовликиб келибди.

— Афандим, кўча бошида бир арава келяпти! Ичи тўла ноз-неъмат!

Афанди қўл силтабди:

— Менга нима?

— Қизиқмисиз? — дебди ўша одам. — Подшоҳи-олам аравадаги ноз-неъматларни сизга юборибдилар!

— Сенга нима? — дебди Афанди тағин қўл силтаб...

... Қизиғи шундаки, орадан ой ўтиб, йил ўтиб, Мулла Насриддин сафарга чиқибди. Нотаниш бир қишлоққа бориб қолибди. Бу қишлоқнинг номи «Телбақишлоқ» бўлиб, одамларининг феъли ҳам шунга яраша экан: икки қўшни бир-бири билан қасдлашиб қолса, ўзига индамас экану, аламини меҳмондан оларкан.

Афанди нотаниш хонадонга қўниб, энди бир пиёла чой ичган экан, эшикдан биттаси болта кўтариб кирибди.

— Мана, энди қўлга тушдинг! — дебди мезбонга. — Ҳозир меҳмонингни ўлдираман!

Афанди «ҳай-ҳай, бу қандай бедодлик» деб типирчилаб қолган экан, мезбон юпатибди:

— Кўрқманг, меҳмон, кўрқманг! Сиз бемалол ўлаверинг! Бу сизни ўлдирсин, мен унинг ўнта меҳмонини ўлдираман!

...«Менга нима, сенга нима» дейдиганларнинг манзили «Телбақишлоқ!».

АЁЛ ПСИХОЛОГИЯСИ

Эридан мамнун бўлиб турганида:

— Аваз! Авазчи-ик! Турақолсинлар, энди. Вой, ўзимнинг асал боламдан! Вой ўзимнинг полвон боламдан! «Адажон қани?» дейсизми? Адажонингиз ишга кетдилар. Авазжон ҳам «ишга» борадилар. Адажониси-чи, Авазхонга ка-а-ата-кон шоколад олиб келадилар... Вой иштонча яна ҳўл бўп қоптику! Майли, ҳозир алмаштирамиз-да. Вой, ўзимнинг тойчоғим!

Эридан норози бўлиб турганида:

— Аваз! Ҳой Аваз! Тур, ўрнингдан ялпайиб ётмай! Сенинг боқчангга мен боришим керакми? Адамлама! Аданг ишга кетди-ла! Ғўрга борармиди? Ие, иштонинг яна ҳўлми? Сияман, десанг ўласанми, хўкиздек бола! Ариллама! Отангдан нима кўрдиму, сен нима каромат кўрсатардинг! Башаранг қурсин!

«ФЕОДАЛЛАР»

Ғарб тарихчилари тўғри ёзишган. Бизлар феодал эдик. Бизлар қолоқ эдик. Шу қадар «феодал» эдикки, ғарб қиролларининг маликалари шоҳона балларда сийнасини кўз-кўз қилиб рақс тушишни катта бахт деб санаганида Сароймулкхоним олис сафарга кетган Соҳибқирон Амир Темурнинг ўрнида ўтириб, бутун бир салтанатни бошқарган...

Шу қадар «қолоқ» эдикки, ғарб рицарлари ўз хотинининг жазмани қанча кўп бўлса, шунча фахрланиб юрганида Гулбадан бегим «Ҳумоюннома»ни ёзган. Нодира, Увайсий, Зебуннисо, Маҳзуна, Нозимахонимлар муҳаббат ва садоқат ҳақида гўзал ғазаллар битишган...

УРУШ «ҲАҚИҚАТИ»

Афғонистонда уруш бўлди... Газеталарда сурат чиқади. «Қардош» юртга «озодлик» олиб борган шўро аскари танкда кетаяпти. Қўлида автомат.

Фахрланиб кетасан...

Яна сурат чиқади. Ҳанжар тишлаб олган душман... Кўзлари вахшийларча ёниб турибди...

Нафратланиб кетасан...

...Чеченистонда уруш бўлди... Газеталарда сурат чиқади. Ўғлидан келган «қора хат»ни ўқиб ўтирган маъюс ота... Темир тобутни қучоқлаб йиғлаётган ғамгузор она...

Ачиниб кетасан.

Ҳаммаси тўғри... Ҳаммаси ҳақиқат...

Фақат... ўша газетада «қардош» юртга «озодлик» олиб борган зобит зўрлагани учун номусига чидолмай ўзини осиб қўйган афғон қизининг сурати чиқса нима бўлади? Бомбадан парча-парча бўлиб кетган беш яшар қизалоғининг устида дод солаётган чечен аёлининг сурати чиқса-чи?.. Уруш, ҳатто ҳақиқатнинг ҳам қиёфасини тескари қилиб қўяди.

Урушда ҳақиқат бўлмайди!

«ТАРИХИЙ» ВОҚЕА

Бир дўстимиз тўй қилди. Эталаб ош берди. Ошга «ашаддий» бир танқидчи ҳам борди... Унинг ғалати одати бор эди. Янги латифа эшитган одамлар яйраб кулса, у узоқ ўйлаб қолади-да, «тўғри», дейди. Ёки ундан ҳам узоқроқ хаёл суради-да, «Нотўғри, афанди яшаган замонда арақ бўлган эмас», дейди... Умрида яйраб кулишни билмаган шу «олим» «Келинлар қўзғолони»ни савалаб юрган кезлар эди.

Буни қаранг-ки, Саид Аҳмад ака билан худди шу танқидчига бир лаганда ош келди. Даврадагилар кулимсираб қўйишди.

— Ғўштни ўзинг тўғрай қол, — деди Саид Аҳмад ака.

— Композициясини бузиб, балога қолиб юрмай!.. Аслида-ку, иккаламизнинг бир товоқдан ош еганимизни кинога олиш керак эди-я!

Гўшт иссиқ экан шекилли, танқидчи пуфлаб-пуфлаб, ўзига лойиғини тўғради. Ўзи томонга суриб қўйди.

— Қошиқ борми? — деди бармоғини ялаб.

— Қошиқни нима қиласан? — деди Саид Аҳмад ака. — Сенга барибир эмасми? Қошиқ билан урдинг нимаю, қўл билан урдинг нима?

Ҳарқалай қошиқ топилди.

— Қошиқ «гигиеничний» бўлади, — деди танқидчи тушунтириб.

— Тўғри айтасан, — деди Саид Аҳмад ака ошга қўл чўзиб. — Қошиқ «гигиеничний» бўлади. Сенинг қошиғинг нечта оғизга кириб чиққанини билмайману, менинг қўлим ўзимдан бошқа одамнинг оғзига кирганмас.

Кулишдик...

Танқидчи эса ўзига тўғраган гўштни қўшиб, ошни «уриб» ётибди.

Саид Аҳмад ака илжайди.

— Аждодларинг шу «тарихий» воқеани кўрса, жа-а-а хурсанд бўларди-да, укам...

— Қанақа аждод? — деди танқидчи оғзидаги луқмани ютиб. — Қанақа тарихий воқеа?

— Дарвин ёзган аждодлар-да! Қошиқни шу қадар маҳорат билан ишлатишингни кўриб, дарахтдан йиқилиб тушармиди?

Қаҳқаҳа портлади. Танқидчи «шуям куладиган гапми», дегандек бир аланглаб қўйди-да, апил-тапил ошни еб, лаган олинишини қам кутмай туриб кетди...

— Ошни урди, — деди Саид Аҳмад ака. — Энди бориб бошқаларни уради!

НОДОН — ДОНИШМАНД

Инсон — ақлли. Инсон — донишманд... Шу қадар донишмандки, хат-саводи чиқмай туриб, омоч ўйлаб топди... ғилдирак ихтиро қилди... Нарвон... Кейин сувда сузди. Осмонда учди. «Ойнаи жаҳон»ни яратди... Кўп бедаво дардларга шифо топди.

Инсон — ақлли. Инсон — донишманд... Шу қадар «донишмандки», бир зарб билан бутун бошли шаҳарни қултепага айлантирадиган атом бомбасини ўйлаб топди. Шу қадар «донишмандки», бир зарб билан бутун бошли мамлакатни ер билан яксон қиладиган водород бомбасини яратди. Шу қадар «донишмандки», бир зарб билан миллионта одамни, мол-ҳолни, қурт-қумурсқани, хуллас барча жонли мавжудодни қириб ташлаб, «жонсиз» бойликларга — уй-жой, мол-мулк, олтин-кумуш, темир-терсакка зиён етказмайдиган «ақлли» нейтрон бомбасини кашф этди... Шу қадар «донишмандки» бир томчиси ҳавога пуркалса етмиш одамни тил торттирмай ўлдирадиган «У-икс» деган заҳарни ихтиро қилди ва... ўша заҳари — қотилнинг 15 минг тоннасини ғамлаб қўйди...

Бу қурол билан етти юз миллиард одамни қириб ташлаш мумкин экан.

Ҳолбуки, Ер куррасида беш миллиард одам яшайди....

... Инсон — ақлли. Инсон — донишманд. Инсон — телба!

САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

(Ижод ва ижодкорлар ҳақида)

КИМЁГАР

Ўзини «сўз заргари» деб санамайдиган ижодкор кам бўлади.Яхшиямки, танқидчи бор: жез қайдаю, зар қайда — ажратиб беради.

«ЭНГ ОСОН» ҲУНАР

Бир одам редакцияга ёстиқдек папка кўтариб келди. «Рўмон» ёзибди. Ҳаммаси бўлган воқеалар эмиш...

Уч ҳафта юрагим қон бўлиб, «рўмон»ни ўқидим... Бўлғувси хотини «Башарат» билан «бешинчи трамбой»да танишгани, қайнанаси «Шарапат» «мани беш классни битирган заёмчига берадиган қизим йўқ», дегани, шунда у Қурбақаободдан «участка» оберишни шама қилса, қайнанаси «Шарапат» мойдек эриб кетгани... Тўнғич ўғли Қўзивойни ажина чалиб дудуқ бўлиб қолгани, қизи «Арапат» кўкйўтал бўлганида Хумсондан кўк эчки обкелиб сутини ичиришгани...

...«Ёзувчи»га «рўмон»ни босиб бўлмаслигини, бўлган воқеаларнинг ҳаммаси ҳам асар бўлавермаслигини тушунтирдим. У аввалига илтимос қилди. «Рўмони» чиқса, «ганаралини» менга берадиган бўлди. Охири дағдаға ўтди:

— Таниш-билишларингизнинг маза-бемаза «рўмонини» чиқарасиз! Мени паддержкам йўқ-да, а? Бешинчи классни битирган мендек бир одам етти йил нина билан қудуқ қазиб «рўмон» ёзсаму...

— Правангиз борми? — дедим гапини бўлиб.

У ҳайрон бўлди.

— Қанақа права?

— Машина ҳайдайдиган права.

— Манда права нима қилсин?

— Бўлмаса, самолёт ҳайданг, — дедим хотиржамлик билан.

У киприкларини пирпиратди:

— Ҳазиллашасизми, ўртоқ редактур? Машина ҳайдашни билмаган одам қандоқ қилиб айриплон учуради?

— Нима қипти? — дедим пинагимни бузмай. — Бешинчи классни битирган одам «рўмон» ёзганида праваси йўқ одам айриплон учиролмайдими?

У «рўмон»ни юлқиб олди.

— Жалиба қиламан! — деди дағдаға билан — «Сека»га чиқаман....

...Ҳозир «сека» йўқ. Аммо ёзувчиликни энг осон ҳунар деб ўйлайдиганлар истаганча топилади...

МУНАҚҚИД

Мунаққидлар устоз Озод Шарафиддиновнинг бир гапини шиор қилиб олсалар арзийди.

— Танқидчи бокка болта эмас, токкайчи кўтариб кирмоғи керак!

«ТАДБИРКОР»

Сартарошхонада одам кўп эди. Ёнимдаги қария билан суҳбатлашиб қолдик. Гапдонгина чол экан.

Навбати келганда чол курсига бориб ўтирди.

— Сочми, соқолми? — деди сартарош пешбанднинг қилини қоқиб, чолнинг бўйнига ўраркан.

— Соқол, болам, соқол, — деди чол мулойимлик билан, — хизмат ҳақи қанча бўлади?

— Йигирма беш сўм.

Чол белбоғидан йигирма беш сўмлик чиқариб, сартарошга узатди.

— Мана болам...

Сартарош ҳижолат чекди:

— Аввал хизмат қилайлик, отахон...

— Олавер болам, олавер, — деди чол янаям мулойимлик билан. — Хизматингни қилиб бўлгунча эллик сўмга чиқиб кетмасин...

ЭНГ БЕМАЪНИ ЛАТИФА

Танқиддан безор бўлган шоир айтибди:

— Сиз бировларнинг асарини нуқул танқид қиласиз. Ўзингиз биронта шеър ёзганмисиз?

Танқидчи айтибди:

— Мен кунора тухум ейман. Аммо унинг мазасини билиш учун ўзим тухум туғишим шарт эмас!

Шоир айтибди:

— Мен кунора одамлар тўғрисида шеър ёзаман. Аммо одамни билиш учун унинг гўштини ейишим шарт эмас!

БИЗ СОҲИБҚИРОН НАБИРАЛАРИМИЗ

Болалар бадиий ижодиёти республика маркази халқаро Амир Темур жамғармаси билан ҳамкорликда буюк саркарда таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб тасвирий санъат бўйича «Биз буюк соҳибқирон набираларимиз» кўргазма-танлови ўтказди. Танловда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирок этди. Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев бошлиқ таниқли мусаввирлар уларнинг 150 та асарини кўриб чиқдилар.

Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, соҳибқирон номи билан боғлиқ тарихий воқеалар, обидалар, жойлар акс эттирилган 80 та асар кўргазмадан ўрин олди. Танлов якунига кўра марказнинг тасвирий санъат студияси қатнашчиси, тўққиз ёшли Наташа Анисимова «Амир Темур набираси билан» асари учун танловнинг биринчи совриндори бўлди. 16 ёшли Василия Иерафилова «Амир Темур», 7 ёшли Лайло Байкенова «Темур боғи» асарлари учун иккинчи, 13 ёшли Улуғбек Носиров «Испан элчиси Р. Клавихо Темур ҳузурида», 15 ёшли Елена Бутакова «Деҳли учун жанг» асари учун учинчи ўринга сазовор бўлди. Кўргазманинг 21 иштирокчиси рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Кўргазма-танлов якунида марказ ёш ижодкорларининг халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, академик Бўрибой Аҳмедов, кўпгина тарихий сиймолар, жумладан Амир Темур портретини тўлақонли ярата олган Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев, темуршунос олима, тарих фанлари номзоди Дилором Юсупова билан учрашуви ўтказилди. Меҳмонлар ёш мусаввирларга, буюк соҳибқирон ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина қизиқарли воқеаларни айтиб беришди.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

Ватан хизматига отланганлар

САДОҚАТ КЎРСАТИНГ, ЎҒЛОНЛАР!

Она Ватан. Қанчалар лазиз ва мўътабар бу сўз. Унинг ҳудудларининг яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлигини кўз қорачиғидек сақлаш қанчалар фахрли. Айниқса истиқлолга эришган, ўзига мустақиллик йўлини танлаб олган халқимиз осойишталиги йўлида, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиш байналмилал диёримизда яшаётган ҳар бир фуқарода алоҳида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Мамлакатимиз ёшларини муддатли ва муқобил ҳарбий хизматга кузатиш бошланди. Шу боисдан куни кеча шаҳримизнинг Шимолий, Жанубий темир йўл вокзаллари, Тошкент аэропортига чақирилувчилар, ота-оналар, уларнинг қариндош-уруғлари келишди. Ёшлар ана шу манзиллардан Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш учун республикамизнинг ҳарбий қисмларига жўнаб кетдилар.

Бир гуруҳ ёшлар Шимолий вокзалдан алоқа қисмига йўл олишди. Шу ерда зобит Александр Николаевич Шангинни учратдик.

— Қисмимиз ўз шонли анъаналарига эга бўлган қисмлардан, — деди А. Шангин. — Чунки бу ерда ёшлар ҳарбий билим ва жанговар техникани чуқур ўрганиш билан бирга радистлик, алоқачи, телефонистлик, телеграфчи, ва бошқа касбларни эгаллайдилар. Бу ерда асосан ўрта маълумотли ёшлар хизмат қилишади.

Қисмимизда хизматга янги келаётганларни қабул қилиб олиш учун барча шароитлар яратилган.

Мен ота-оналарга бир нарсани айтмоқчиман: фарзандларидан уларнинг кўнгли тўқ бўлсин. Улар узоқда эмас, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган ўз юртимизда хизмат қилишмоқда.

Ушбу қисм шифокори, зобит Неъмат Абдураҳмонов шундай деди:

— Чақирилувчиларни кўрдик, уларнинг кўплари спорт билан шуғулланган соғлом ёшлар. Тиббий комиссия хулосалари пухта, хизматга соғлом ёшлар танлаб олинганлиги кўзга ташланади. Болалар қисмда яна қайта тиббий комиссиядан ўтказиладилар. Бунинг учун қисмимизда барча тиббий жиҳозлар тайёрлаб қўйилган.

Қурбонали Айитбоевни ҳам шу ерда учратдик:

— Ўзим ракета қўшинларида алоқачи бўлиб хизмат қилган эдим. Тақдирни қарангки, ўғлим ҳам алоқачи сифатида хизмат қилишига тўғри келаяпти, — дейди у. — Камолиддин 9-синфни битиргач, телевизор устаси касбини эгаллади. Мен ўғлимнинг ўз йигитлик бурчини ҳалол ва сидқидилдан адо этишига ишонаман.

Ўғли Абдулазиз Набиевни кузатишга келган Маҳмуда Набиева ўз ҳис-ҳаяжонини қуйидагича ифодалади:

— Беш фарзанднинг онасиман, уч ўғил, икки қизим бор. Энг катта ўғлим Абдулазиз, фарзандимиз ўз йигитлик бурчини бажаришга отланганидан хурсандман.

София Каримова ҳам ўз дилбандини кузатиш учун бу ерга келган оналардан экан. Албатта ўз фарзанди ота-она уйини вақтинча бўлса-да тарк этаётганда ҳар қандай она қалби ҳис-ҳаяжонга тўлиши турган гап. Яхшиси Софияхоннинг қалб сўзларини айнан келтира қолайлик:

— Мана, бугун мен ўғлимнинг балоғат ёшига етганини бутун вужудим билан ҳис этмоқдаман. У армия сафида мардлик, жасорат мактабини ўтайди. Ўзим Чкалов номидаги авиация бирлашмаси ҳисоблаш машинасида оператор бўлиб ишлайман. Ўғлим ҳам шу ерда ишларди. Ҳарбий хизматдан яна касб ўрганиб келади. Тилагим шуки, у Ватаннинг муносиб посбони бўлиб етишсин.

Валентина Алексеевна Кухоренко билан ҳам шу ерда танишдик.

— Набирам Михаил Кухоренкони кузатяпман, — дейди онахон. — У Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишини, устозлари, сардорлари, сафдошларини ҳурмат қилишини, ўз фуқаролик бурчини намунали адо этишини истайман. Чунки бизнинг Ватанимиз — Ўзбекистон. Биз шу тупроқда туғилиб, ўсганмиз.

Энди бўлажак Ватан посбонларининг сўзларини ҳам эшитсак:

Комил Каримов: Тошкентдаги 61-ўрта мактабнинг 9-синфини битирганман. Авиация бирлашмасида ишлаш билан бирга самолётсозлик техникумида ўқий бошладим. Диспетчерлик курсини тамомлаганман. Ҳарбий-ҳаво кучлари қисмида хизмат қилиш бахтига муяссар бўлаётганимдан беҳад хурсандман. Мақсадим сержантлар таркибига қўшилиш.

Марат Ғуломов: 167-ўрта мактабнинг 11-синфини тугатганман. Каратэ, бокс каби спорт турлари севимли машғулотим. Армиядан янада жисмонан чиниқиб, касб-ҳунар эгаси бўлиб қайтаман. Ватанга барча тенгдошларим қатори ҳалол, садоқат билан хизмат қиламан.

... Ватан хизматига отланганлар. Улар республикамизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг фарзандлари бўлсалар-да, уларнинг мақсадлари бир: у ҳам бўлса мустақил диёримиз осмонининг беғуборлиги, ўлкамизда тинчлик, барқарорлик йўлида хизмат қилиш.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

СУРАТЛАРДА: ёшларни Ватан хизматига кузатишдан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

Транспорт ва йўловчи

АНЪАНАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Ҳар куни «Автомашина пиёдани уриб юборди...», «Автотўқнашув натижасида ... жароҳат олишди» ва шу каби кўплаб далилларга дуч келамиз. Дарҳақиқат, катта йўлларда йўл ҳаракати қоидаларини менсимайдиган кўплаб «учар» ҳайдовчиларни учратишимиз мумкин. Бироқ шуни ҳам тан олиш керакки, йўл ҳаракати катнашчиси ҳисобланмиш пиёдага ҳам кўп нарса боғлиқдир. Буни уларнинг айби билан 70 фоизга яқин автотўқнашувлар юз бериши ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бунинг учун узоққа бориш шарт эмас. Ҳар куни кўчанинг белгиланмаган жойидан шошиб кесиб ўтаётган, машиналар оқими орасида ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да ҳаракатланаётган кишиларни учратишимиз мумкин. Дўппини бундай ерга олиб қўйиб ўйласак, ҳар йили йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланган бир неча минглаб катталар ва болалар бир умрга ногирон бўлиб қолишмоқда. Ахир бундай аянчли ҳоллар юз бермаслиги ҳам мумкин эди-ку. Бунинг учун фақат оддий нарсага — барчамиз йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилсак бас.

Рақамлар ўжар бўлади дейишади. Ҳаракат тиғиз жойларда ер ости ўтиш йўллари мавжудлиги, халқ ичида «зебра» деб ном олган пиёдалар учун ер усти ўтиш жойлари белгиланганига қарамай, кўп бахтсиз ҳодисалар айнан шундай ерларда оддий қоидаларга риоя этмаслик натижасида рўй бераётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ахир наинки болалар, балки катталар ҳам ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишлари мумкинлиги, ёхуд машинанинг тормози қўққисдан ишламай қолиши ва шу каби кутилмаган ҳоллар юз бериши мумкинлигини доимо ўйлайвермайдилар. Бахтсиз ҳодисалар эса асосан кутилмаган вазиятлар натижасида рўй беришини барчамиз яхши биламиз.

Албатта, шу ўринда Болтиқбўйи республикалари тажрибалари жуда ибратомуз эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. У ерда ҳайдовчилар жойларда қатъий белгиланган тезлик бўйича ҳаракатланишади, пиёдалар эса яқин атрофда машинанинг сояси ҳам кўринмаса-да, йўлчироқ белгиларига риоя қилган ҳолда йўлнинг белгиланган жойларидан ўтишади. Бу демакки, ушбу йўналишдаги тарбиявий ишларни болажонларимиз онгига боғча, мактаб парталаридан сингдириб боришимиз лозим. Кейинги пайтларда ДАН хизмати шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан яқин ҳамкорликда фаолият юритиши айниқса қувонарли ҳолдир. Бу долзарб ишга болалар боғчасидан бошлаб муҳим эътибор қаратилаётгани айниқса йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ўйин шаклида олиб борилиши, ўйинчоқлар ҳам ДАН мавзуида танланиши қелгусида амалий натижалар бериши шубҳасиздир. Мактабларда эса бундай таълим қизиқарли викториналар, «Йўлчироқ» ўйинлари, автомайдончаларда йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар тарзида олиб борилмоқда. Ушбу мавзуга муҳим эътибор қаратилишининг меваси ўлароқ болалар боғчалари ва мактаблар учун йўл ҳаракати қоидалари бўйича бир нечта қизиқарли китобчалар нашрдан чиқарилди.

Албатта, бу ишда автоназоратчиларнинг кўмаги ҳам катта ёрдам бермоқда. Ҳозир мактабларда йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўтказилаётган дарсларга автоназоратчилар ва жамоатчи автоназоратчилар келиб болаларга амалий равишда йўлнинг қаеридан ўтиш лозимлиги, бунда қандай қоидаларга риоя этилиши кераклигини кўрсатиб бермоқдалар.

Шунингдек, болалар ўртасида жароҳатланишларнинг олдини олиш, пиёда ва йўл-транспорт ҳодисалари муаммоларига Давлат автомобиль назорати хизмати муҳим эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари ҳаракат тиғиз йўллар ва чорраҳаларда қўлларига қизил боғич боғлаган таёқча ушлаган ДАН кўнгилли халқ дружиналари аъзолари ҳам тартибни сақлашда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Зеро, ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги ишлар яна қайтадан тикланди. ДАН ёрдамчилари сафларини кўпайтириш ва кучайтириш борасида бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Давлат автомобиль хизмати соҳасида кўнгилли халқ дружиначилари штаблари, отрядлари ташкил этилди. Энг муҳими, отрядлар аъзолари ўз шахсий ҳузур-ҳаловатларидан кечиб бўлса-да, Давлат автомобиль назорати ходимлари билан биргаликда йўл-транспорт ҳодисаларини қисқартиришга бағишланган барча рейд тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса ўтган йили ва жорий йилнинг дастлабки ойларида ўтказилган «Диққат, пиёда» ва «Темир йўл кесишмаси» деб номланган махсус тадбирларда кўнгилли автоназоратчиларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Қизил боғичли жамоатчи дружиначилар ДАННинг барча йўналишлари бўйича — тўқнашув содир этиб жуфтакни ростлаган ва қидирувда бўлган ҳайдовчиларни излаш, шунингдек бошқа жиноятларни очиш ҳамда болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишда баҳоли қудрат кўмак бермоқдалар. М. Штейн, Р. Эшонқулов, Ш. Умеров, К. Раш, В. Деговцев, В. Кузнецов каби жамоатчи дружиначилар айниқса ДАН бошқармасидан ўз беғараз ёрдамларини аямаётирлар. Шунингдек мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг Миробод, Собир Раҳимов туманидаги спорт-техник клублари, 41-ҳунар-техника билим юрти, жамоаси ҳам Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишида фаол қатнашишмоқда. Ўйлаймизки, кўнгилли халқ дружиначилари ҳаракатининг қайтадан тикланиши, болалар боғчалари, мактабларда амалга оширилаётган самарали ишлар кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишида муҳим омил бўлади.

Равиля ГИЗАТУЛИНА,
ДАН нозири.
Дилшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Шаҳримиздаги 197-мактаб ўқитувчиси Меҳри Шарипова кимё фанининг мўъжизавий имкониятлари билан ўқувчиларни мунтазам қизиқтириб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар кимё фанини қизиқиш билан ўзлаштиришади.

СУРАТДА: кимё фани ўқитувчиси Меҳри Шарипова навбатдаги машғулот пайтида.

Равиль Альбеков олган сурат.

Савол сиздан — жавоб биздан

ГОЛИБЛИККА КИМЛАР ЎЧ?

Гиннеснинг рекордлар китоби ҳақида кўп эшитганмиз. Ушбу китобга кирган ғолиблар албатта биронта халқнинг фарзандлари. Қайси давлатда ғолиблар кўп яшаркин?

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
Нозима ТЎХТАЕВА,
уй бекалари.

Бу ҳақда гапирадиган бўлсак Гиннеснинг рекордлар китобида австрияликларнинг номлари тез-тез учраб туради. Унинг аҳолиси 8 миллион бўлса ҳам, ғолибликка жуда иштиёқмандлар айнан шу давлатдадир. Яқинда «Труд» газетасининг 75 йиллигига бағишлаб австрияликлар шишаларнинг металл қопқоқларидан эҳром ясадилар. Нечта қопқоқ кетгани фақат қурган одамга аён. Балки у ҳам адашиб кетгандир. Нега шиша қопқоғидан дерсиз. Чунки Австрия азалдан пивохўр мамлакат ҳисобланади. Шу сабаб яна бир рекорд — қалин картон қоғоздан шиша тагига энг катта таглик тайёрланган. Цветл шаҳридаги пивофуруш Карл Шварцнинг топшириғига биноан тайёрланган бу тагликнинг диаметри 80 сантиметр бўлган.

Австрияда энг катта гуруҳий сурат ҳам тайёрланган. Унда Штирия ўлкасининг Вайзенегг шаҳрининг барча аҳолиси — бир минг бир юз эллик киши акс эттирилган. Унга катталиги 20х25 сантиметрлик негатив зарур бўлган.

Энг кўп рангли тухум тўплаш бўйича (албатта пасха байрамларида) ҳам австриялик нафақахўр Эдуард Полак мақтаниши мумкин. У умри давомида 18 минг дона тухум йиғибди.

Венада машҳур шницель тайёрланади. Энг катта шницель ҳам (гарчи Венада бўлмаса-да) Австрияда тайёрланган. Ленциг шаҳрида яшовчи ошпаз Карл Пезендорф 450 килограмм гўшт, икки минг икки юз дона тухум, минг литр ўсимлик ёғи сарф-лаб, ниҳоятда катта шницель пиширган. Уни ейиш учун худо билсин неча минг киши овора бўлган экан.

Биринчи бўлиш касали ана шунақа ғаройиб ишларга сабаб бўлади.

ХОСИЯТЛИ МЕВА

Айтишларича банан инфарктнинг олдини олишда яхши натижа берар эмиш. Шу ростми?

Маҳбуба РАҲИМЖОНОВА,
тиббиёт ходимаси.

Табиатдаги ҳар бир меванинг инсон саломатлигига хизмат қилишига шубҳа йўқ. Ёнғоқнинг мияга, ўрикнинг юракка, гилоснинг қонни кўпайтиришга, нокнинг буйракка фойдаси ҳақида кўп эшитгансиз. Улар маълум маънода инсон организмидаги турли касалликларнинг ҳам ривожланишига тўсиқ бўлади.

Америкалик олимларнинг айтишича инфаркт юз бермаслиги ҳам мумкин экан. Ушбу касаллик организмда магний етишмаслиги сабабли юзага келар экан. Ҳар куни ҳеч бўлмаганда ярим грамм магний қабул қилган кишининг инфаркт балосига йўлиқиши умуман йўқ даражага тушар экан. Ўша ярим грамм магний бир дона бананда бор экан.

ЕР ИҚЛИМИ ИСИЯПТИМИ?

Чиндан ҳам Ердаги ҳаво исиб боряптими? У ҳолда ҳолимиз нима кечади?

Иномжон ИСЛОМОВ,
нафақахўр.

Ер ҳавоси чиндан ҳам исияпти. Британия об-ҳаво институти мутахассислари берган энг охирги маълумотларга қараганда 1995 йил энг иссиқ йил бўлибди. Уларнинг таъкидлашича Ер юзидаги ўртача ҳарорат 14, 8 даражани ташкил этибди. Бу 1981-1990 йилларидаги ҳароратдан ярим даража баланд-дир. Олимларнинг ҳисоблашича бундай ҳарорат, иқлимнинг ўзгариши кўмир ва нефть маҳсулотлари кўплаб ёқилганда юз беради. Бунда маълумки ҳавога углерод кўплаб миқдорда ажралиб чиқади. Демак, ана шу хом ашёларни камроқ ишлатсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Сир эмаски, йилдан йилга табиатни муҳофаза қилиш ишларига анча эътибор берилганига қарамасдан, атроф-муҳит ифлосланиб боряпти. Ҳавога чиқаётган зарарли, заҳарли кимёвий моддалар, дов-дарахтларнинг кўплаб сабабсиз кесиб ташланиши, табиатни асраш қонун-қоидаларига риоя этмаслик бунинг бош сабабларидир. Агар ҳаммамиз яқдиллик билан табиатга ғамхўрлик қилсак, ҳеч қандай ташвишга ўрин қолмайди.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

Истироҳат масканлари кишини хаёл оғушига етаклайди, бундай жойларда дилдан суҳбатлашгинг келади.

Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

Маданий ҳаёт

ОЛҚИШГА САЗОВОР

Мирзо Улуғбек туман маданият уйининг рақс ансамбли ижодий жамоаси «Оқ кабутарлар осмони» дастурида турли халқларнинг жозибали рақсларини катта маҳорат билан саҳнада жонлантира олганлар. Ансамблнинг бадиий раҳбари Раъногон Мардонова саҳналаштирган «Тановар», «Муножот» ва қардош шарқ халқларининг рақслари барчанинг олқишига сазовор бўлди.

* * *

Чилонзор туман маданият уйининг «Чодир жамол» қўғирчоқ театри студияси ижодий жамоаси «Қўғирчоқлар оламига саёҳат» деб номланган театрлаштирилган томоша билан жажжи театр шинавандаларини кутиб олдилар. Ўзбек ва рус халқ эртакларининг қаҳрамонлари, уларнинг турли қизиқарли саргузаштлари акс эттирилган томоша шу кунларда шаҳримиздаги мактабгача тарбия муассасаларида намойиш этилмоқда. Асардаги асосий образларни мактаб ўқувчилари, турли касб эгалари бўлган театр студиянинг қатнашчилари ижро этмоқдалар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ФИЛЛАР СУДГА БОРАДИ

Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳридаги Калоба миршабхонасида ғаройиб маҳбуслар бор. Улар супрадек қулоқларини силкитиб, ортиқча тўполон қилмасдан ўз тақдирларини кутишяпти. Тўғри топдингиз — улар баҳайбат филлар. Улар ўз ҳайдовчилари билан миршаблар томонидан ушланган, шаҳарга берухсат киргани учун ҳибсга олинган эдилар...

Филлар Бомбайга заргарлар султони Вижай Шахнинг амри билан келтирилган эди. Унинг фикрича, филлар қиз узатиш маросимининг энг ажойиб дастури бўлиши керак эди. Тўйга йиғилган бир неча минг меҳмонни Вижай Шах шу тарика лол қолдирмоқчи эди. Лекин Бомбай шаҳар маъмуриятининг сал олдинроқ берган фармойишига кўра, шаҳарга улкан жониворлар фақат тегишли рухсат билан киришлари керак эди. Сабаби одамларга филлар ноқулайлик туғдириши мумкин экан. Филбонлар ушбу фармонни ё билмаганлар ёки катта миқдордаги пул эвазига қонунни бузиб кўришга бир жазм қилишган кўринади. Энди филбонларга катта миқдорда жарима солиниши, ёки улар филларидан айрилишлари башорат қилинмоқда. Сабаби суд ҳукми билан филлар ҳайвонот боғига жўнатилиши мумкин.

Вижай Шах эса барибир ном қозонди. Чунки филларни Бомбейга у таклиф этганди-да.

ҚУЁШ НУРИ ҚАНЧА ТУРАДИ

Янги минг йиллик 2001 йилдан бошланади. Шундай бўлса ҳам кунчиқар томонда жойлашган Чатем ва Кирибати ороллари аҳолиси ўртасида 2000 йилнинг 1 январида қуёшнинг илк нури қаерда ярқ этади, деган баҳс авж олиб кетди. Иккала орол ҳам Тинч океанининг йил алмашинадиган халқаро чизиғида жойлашган.

Австрияда чиқадиган «Курир» газетасининг ёзишича, қуёшнинг илк нурлари жуда қиммат тураркан. Уни суратга олиш учун дунёдаги энг катта телекомпаниялар ўзаро кураш олиб боришмоқда. Йирик сайёҳлик фирмалари эса қуёшнинг илк нури тушган бахтли орол-да меҳмонхона қуриш учун миллионлаб доллар ажратишга тайёр туришибди. Лекин ўша бахтли орол қайси бири? Баҳтга қарши Гринвич обсерваторияси Чатем оролларига тегишли сертификатлар беришдан ҳозирча бош тортиб турибди. Кирибати ороли республикаси фалакиётчилари эса биринчилик биз-нинг оролга насиб этади деб ҳисоблашмоқда. Агар шундай бўлса роса зўр бўларди-я! Чунки америкаликлар янги меҳмонхона мажмуига қанча бўлса шунча пул ажратишга тайёр туришибди. «Халқаро йил алмашиниши чегарасида» меҳмонхонаси (отининг узунлигини қаранг) ҳозирданоқ 2000 йил учун сайёҳларга ўринларни ажратишмоқда. Лекин орол маъмурлари ҳам хафа: сабаби уларга ҳам «Интернет» электрон алоқаси орқали ўзларининг янги минг йиллик киргани ҳақидаги мактубни дунёга тарқатиш имконидан маҳрум бўлай деб туришибди.

Баҳсчилар нега янги минг йиллик 2001 йилдан эмас, 2000 йилдан бошланади деб талашаётганликларини ҳеч ким тушунмаяпти. Лекин қуёш нури Чатем ва Кирибати ороллaридан ҳам олдинроқ Чукоткага тушишини эслатиб ўтмоқчимиз!

Янги минг йиллик қачон, қаердан бошланмасин тинч бўлишини, осойишта яшашимизни истаймиз!

БИР-БИРИНИ КЎРМАГАН ЭР-ХОТИНЛАР

Шунақаси ҳам бўлар экан-да: 20 ёшли Фотима Али ва 23 ёшли Муҳаммад Мутҳу тамом бошқа-бошқа мамлакатларда яшашади. Авваллари сира ҳам бирбирлари билан учрашишмаган, юз кўришишмаган. Лекин улар эр-хотин! Тантанали никоҳ маросими, яқинда... телефон орқали бўлиб ўтди.

Ёшларнинг бошини қовуштириб қўйишга уларнинг ота-оналари қарор қилишди. Фотима Ҳиндистоннинг мусулмонлар кўпроқ яшайдиган Тамилнаду штатида яшайди. Муҳаммад ҳам ҳиндистонлик мусулмон, шартнома бўйича Саудия Арабистонининг Эр-Риёд шаҳрида ишлайди.

Ўғиллар вояга етганда уларни уйлантириш ота-онасининг вазифаси. Лекин куёв бўлмиш масъул вазифада, вақти кам. Шунда оилалар бошлиқлари ёшлар иштирокисиз никоҳ маросимини ўтказишга қарор қилишди.

Никоҳ маросими бирваракайига икки уйда—Фотиманикида ҳам, Муҳаммаднинг иш жойида ҳам бўлиб ўтди. Иккала жойда ёру биродарлар, қавм-қариндошлар тўпланишди. Дастурхон ёзилди. Домлалар урф бўйича барча тадбирларни ўтказишди.

Айтинг-айтинг, энди висол айёми ҳам телефон орқали бўлмасинда?!

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

«02» хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

• «Давлат мулкини ишониб топшириб қўйган одамлар ўғирликка қўл урса энди кимга ҳам ишониш мумкин», — деб бошлари қотиб қолди Сергели туманидаги «Мерседес-Бенц» фирмаси бошлиқларининг. Гап шундаки, куппа-кундузи фирманинг ёрдамчи хўжалигидан 6 кути лак, 12 кути бўёқ ва 2 ўрам деворга ёпиштириш учун мўлжалланган қоғозлар ўз-ўзидан ергами, осмонгами ғойиб бўлиб қолди. Ҳамма ҳайрон. Бегонадан ўғри бўлиши мумкин эмас. Ниҳоят муаммо ечилди. Ички ишлар ходимлари ўғриларни ушлашди. Улар шу ерда ишлайдиган К. Василий ва қоровул А. Лаврентийлар бўлиб чиқишди. Энди ўғрилар қилмишларига яраша жазосини олишади.

• Мирзо Улуғбек туманидаги мавзелардан бирида юз берган жиноятни ваҳшийликдан бошқа нарса деб айтолмаймиз. Шу тумандаги мактабларнинг бирида ўқийдиган И. Ойдин беникоҳ фарзанд кўриб уни ҳеч кимга билдирмасдан ими-жимида йўқотиш пайига тушади. У кўпқаватли уйларнинг бирида ахлат ташлайдиган қувур орқали боланинг оғзига латтапутта тиқиб ўзини пастга ташлаб юборади. Бахтли тасодиф туфайлигина бола ўлмай қолди. Яхши одамлар уни бирпасда иссиқ кийимга ўраб Мирзо Улуғбек туманидаги 5-болалар касалхонасига тиббий ёрдам кўрсатиш учун топширишди.

• Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидан Техника университетига ўқишга келган Ч. Панжиннинг ота-оналари ўғлидан юзларини шувут қилиб қўйишини асло кутишмаган бўлсалар керак. Афсуски, йигит ўзининг ножўя хатти-ҳаракатлари билан ота-онанинг ишончини ер билан яксон қилди. У педиатрия институти талабаси А. Соҳибанинг йўлини тўсиб куч ишлатиш йўли билан унинг 250 сўм пулини тортиб олиб кўздан ғойиб бўлмоқчи бўлади. Бироқ ҳар доим ўз ишини сергаклик билан олиб борувчи ички ишлар ходимларидан қочиб қутулолмади.

• Она сути оғзидан кетмаган С. Константин ҳам ўғирлик қилиб бугун ота-онасининг юзига қарай олмасдан ўтирибди. Константин Мирзо Улуғбек туманидаги кўчалардан бирида турган машинанинг олд ойнасини шериги Т. Борис билан яшин тезлигида ечиб олиб уни олиб кетишга уринганларида омад улардан юз ўгирди. Ижтимоий жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

• Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасига икки талончи йигит олиб келинди. Ҳеч қаерда ишламайдиган С. Тоҳир ва Ч. Галилар «ВАЗ-21011» русумли автомашинасига ўтиришга шайланаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кассаларини кўриқлаш бўлими ходими Г.Х.нинг бошидан қимматбаҳо мўйнали телпакни юлиб олиб қочишади. Бироқ талончилар узоққа боришолмади. Энди улар ҳам ўз қилмишларига яраша жазосини олишлари муқаррар.

• Шаҳримизнинг Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасида номаълум киши фуқаро У. Надеждани кўрқитиш йўли билан ундан 25 АҚШ доллари, 250 сўм пул ва ёнидаги тилла тақинчоқларни тортиб олади-ю кўздан ғойиб бўлишга ҳаракат қилади. Бироқ талончи узоққа кетолмади. Ички ишлар хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида талончи қўлга олинди ва ҳозир терговда қилмишлари учун жавоб бермоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ КОМПЬЮТЕР ЛИЦЕЙИ

Тошкент шаҳрида яшовчи ўғил болаларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ЎҚИШГА қабул қилади:

1. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ ВА ДАСТУРЧИСИ
2. ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДУРАДГОР.

Лицейга 1996 йилда 9-синфни битирадиган, баҳоси 4 ва 5 бўлган ўқувчилар имтиҳон билан қабул қилинади.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК, ТУРК, ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Лицей ўқувчилари ўқиш даврида иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар. Лицейни битирган ўқувчилар ўз хоҳишига биноан мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиши ёки университетларда ўқишни давом эттириши мумкин.

Имтиҳонларга кириш учун керак бўладиган ҳужжатлар:
1. Ариза
2. Иккита Фотосурат(3х4)
3. 1996 йилда 9-синфни битириши ҳақида маълумотнома

ИМТИҲОН КУНИ: 5 МАЙ

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:91 33 94, 93 00 09

Тошкент Компьютер лицейи манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси 122-уй.

Автобуслар: 26, 106, 15 "ЖАМИЛА" магазини бекати
7, 55, 68, 37, 52 "ЕГ-МОЙ КОМБИНАТИ" бекати (МАСЛОЖИРКОМБИНАТ)

Диққат !

ТОШКЕНТ КОМПЬЮТЕР ЛИЦЕЙИГА КИРИШ ИМТИҲОНИДАН ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ ОЛГАН ЎҚУВЧИГА КОМПЬЮТЕР СОВҒА ҚИЛИНАДИ.

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!
ЖАҲОННИНГ МАШҲУР
«КОКА-КОЛА»
ВА
«ФАНТА»
ИЧИМЛИКЛАРИНИ

«КОКА-КОЛА» ИЧИМЛИГИ ТОШКЕНТ ЛТД» қўшма корхонасининг «БЕШ-ЁҒОЧ» ва «СИРҒАЛИ» бозоридаги ФИРМА ДЎКОНИДАН

қуйидаги нархларда харид қилишингиз ҳамда бўш яшчик ва шишаларини топширишингиз мумкин:

1 КОМПЛЕКТ — 483 сўм.
1 БЎШ ЯШЧИК — 129 сўм.
1 БЎШ ШИША — 9 сўм.
1 шиша ичимлиги — 5 сўм 75 тийин.

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
10-11 май соат 18.00
12 май соат 14 ва 18.00 да
Республикада хизмат кўрсатган артист
МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ
ҳамда

Маҳоратли,
Истеъдодли,
Роса,
Завқли,
Одамлар

ТЕАТРИ

ва меҳмонлар: Матёқуб МАТЧОНОВ, Болтабой ТОШМАТОВ, Равшан ЖЎРАЕВ ва қўқонлик Тоҳирбек МАҲКАМОВ иштирокида

КАТТА ТОМОША

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида ва метронинг «М. Горький» бекатида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилади.

Жамоалардан жам бўлиб бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
44-56-07, 44-79-61, 44-24-37, 45-92-51.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
қуйидаги технологик ускуналар:
«П-24» офсет машинаси (1976 йилда ишлаб чиқарилган);
«Офсет-90-2» офсет машинаси (1980 йилда ишлаб чиқарилган);
«ДО-53» босма-кесиш автомати (1980 йилда ишлаб чиқарилган);
«АКП-2» автомати (1978 йилда ишлаб чиқарилган)ни
СОТАДИ
Нархи—келишув бўйича.
Мурожаат учун манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: 33-20-16, 33-18-58.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси ва «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси жамоалари «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси бош директори Б. Ж. Мажидовга отаси **Жалил Мажидович МАЖИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: **ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0188. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.761 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.